СОВЕТ ХАЛҚИ ПАРТИЯ РАҲБАРЛИГИДА, МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ БАЙРОҒИ ОСТИДА КОММУНИСТИК ЖАМИЯТ ҚУРАДИ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

8-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 221 (1999).

4 НОЯБРЬ ШАНБА 1961 ЙИЛ

БАҲОСИ 2 ТИЙИН

* *

ПАРТИЯНИНГ ИШОНЧИ КОМИЛКИ, СОВЕТ КИШИЛАРИ КПСС-НИНГ ЯНГИ ПРОГРАММАСИНИ ЎЗИНИНГ ЖОНАЖОН, ЭНГ МУҲИМ ИШИ ДЕБ, ЎЗ ҲАЕТИНИНГ БУЮК МАҚСАДИ ВА КОММУНИЗМ ҚУРИШ УЧУН УМУМХАЛҚ ҚУРАШИНИНГ БАЙРОҒИ ДЕБ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ. ПАРТИЯ БАРЧА КОММУНИСТЛАРНИ, БУТУН СОВЕТ ХАЛҚИНИ — ИШЧИЛАРНИ, КОЛХОЗЧИЛАРНИ, АҚЛИЙ МЕҲНАТ ХОДИМЛАРИНИ ЎЗ КУЧ-ҒАЙРАТЛАРИНИ ПРОГРАММАДА БЕЛГИЛАНГАН ТАРИХИЙ ВАЗИФАЛАРНИ МУВАФФАҚИЯТ БИЛАН БАЖАРИШГА САРФ ҚИЛИШГА ЧАҚИРАДИ.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

II. ПАРТИЯНИНГ ХАЛҚ МОДДИЙ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ СОҲАСИДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

г) СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВА УМРНИ УЗАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК

Социалистик давлат бутун аҳоли соғлигини сақлаш ва доим яхшилаб бориш тўғрисда ғамхўрлик қилиш вазифасини ўз зиммасига олган бирдан-бир давлатдир. Бу вазифанинг бажарилиши бир қатор социал-иқтисодий ва медицина тадбирлари билан таъминланади. Касалликларнинг олдини олишга ва уларни қатъиян камайтиришга, кўп тарқаладиган юқумли касалликларни тугатишга, умрни янада узайтиришга қаратилган тадбирларнинг кенг программаси амалга оширилади.

Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг юқори малакали **медицина хизматининг** барча хилларига бўлган эҳтиёжи тўла қондирилади. Бу вазифани ҳал этиш кўплаб медицина муассасалари, шу жумладан касалхона ва санаторийлар қурилиши, барча медицина муассасаларини ҳозирги замон аппаратураси билан таъминлаши, мамлакатнинг барча аҳолисини диспансер йўли билан кузатиб боришни талаб қилади. Шаҳар ва қишлоқда она ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш муассасаларини (туғруқхоналар, консультациялар, болалар санаторийлари ва касалхоналари, ўрмон-мактаблари ва шу кабиларни) кўпайтиришга алоҳида эътибор бермоқ керак.

Мавжуд бепул медицина хизмати билан бир қаторда санаторийлардан фойдаланиш касаллар учун бепул бўлади, шунингдек дори-дармонлар ҳам бепул берилади.

Аҳолининг шаҳардан ташқаридаги жойларда дам олишига имкон бериш мақсадида дам олиш уйлари, пансионатлар, шаҳарлардан ташқарида меҳмонхоналар ва туристик базалари қуриш амалга оширилади, меҳнаткашлар бу лардан озгина ҳақ тўлаб, шунингдек мукофот тариқасида, имтиёзли шартлар билан ёки бепул фойдалана оладилар.

Партия ёш авлодни болалик чоғидан бошлаб жисмоний жиҳатдан соғлом қилиб тарбиялашни, уларда жисмоний ва маънавий қучларни уйғун равишда ривожлантиришни таъминлашни ўзининг энг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисоблайди. Бу эса оммавий спорт ва физкультурانинг барча хилларини ҳар томонлама ривожлантиришни, шу жумладан мактабларда ҳам ривожлантиришни, аҳолининг тобора кенг табақаларини, айниқса ёшларни физкультура ҳаракатига жалб этишни талаб қилади.

д) ОИЛАНИНГ ТУРМУШ ШАРОИТЛАРИНИ ВА АЁЛЛАРНИНГ АҲВОЛИНИ ЯХШИЛАШ. БОЛАЛАРИ ВА МЕҲНАТГА ЛАЕҚАТСИЗ КИШИЛАРНИ ЖАМИЯТ ҲИСОБИДАН БОҚИШ

Аёлларнинг турмушдаги нотенг мавқеининг қолдиқлари тамомила йўқотилиши, бахтли оиларини аёлларнинг ижтимоий меҳнатда ва ижтимоий фаолиятда, фан ва санъат билан шуғулланишда тобора кўпроқ актив иштирок этиши билан бирга кўшиб олиб бориш учун барча социал-маиший шароитлар яратилиши керак. Аёлларга нисбатан енгилроқ ва эйни замонда етарли ҳақ тўланадиган иш берилмоғи лозим. Ҳомиладорлик учун бериладиган отпусклар муддати узайтирилади.

Уй-рўзғор ишларида аёллар меҳнатини қисқартиш ва енгиллаштириш учун тегишли шароит яратиб бериш, сўнгра эса бу меҳнатни оиланинг моддий-маиший эҳтиёжларини қондиришнинг ижтимоий формалари билан алмаштириш учун имкон яратиш лозим. Шу мақсадда уй рўзғор ишларида такомиллашган ва арзон рўзғор машиналари, мосламалар, электр асбоблардан кенг фойдаланилади; аҳолининг маиший хизмат кўрсатиш корхоналарига бўлган эҳтиёжи якин йилларда тўла-тўкис қондирилади.

Умумий овқатланиш шохобчаларини, шу жумладан корхоналар, муассасалар ва катта-катта уйлар қошидаги ошхоналарни аҳолининг эҳтиёжини тўла қондирадиган даражада кенгайтириш алоҳида эътиборни талаб қилади. Истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш ва ошхоналардаги маҳсулотларнинг сифати тубдан яхшиланиши лозим, токи ошхоналардаги овқатлар мазали ва тўйимли бўлсин ва оилага уй шароитида тайёрланган овқатга қараганда арзонга тушсин. Умумий овқатланиш корхоналаридаги маҳсулотларнинг баҳоси савдо шохобчаларидаги маҳсулотларнинг баҳосини камайтиришдан кўра кўпроқ камайтирилади. Мана шу ҳамма тадбирлар тўфайли умумий овқатланиш 10-15 йил мобайнида уй шароитида овқатланишга нисбатан устун ўринни эгаллай олади.

Иккинчи ўн йилликда корхоналар ва муассасаларда бепул умумий овқатланишни (тушлик овқатлар) ҳамда ишлаб чиқаришда машғул бўлган колхозчиларнинг бепул умумий овқатланишни амалга оширишга ўта бошланади.

Болаларнинг бахтли бўлиб ўсиши — коммунистик жамият қуришнинг энг муҳим ва олижаноб вазифаларидан биридир. Болалар муассасалари шохобчаларини янада кенг ривожлантириш тобора кўп оиланинг, иккинчи ўн йилликда эса ҳар бир хоҳлаган оиланинг болаларини ва ўсмирларини болалар муассасаларида бепул боқиб тарбиялаш учун зарур шароит вужудга келтиради. Партия мактабгача ёшдаги болалар муассасаларига бўлган эҳтиёжни якин йиллар ичидаёқ тўла қондириш учун ҳамма зарур чораларни кўриш керак, деб ҳисоблайди.

Шаҳар ва қишлоқларда аҳолининг яслилар, болалар боғчалари ва майдончаларига, узайтирилган кунли мактабларга, пионер лагерларига бўлган эҳтиёжи тўла ва бепул қондирилади. болалар бепул боқиладиган мактаб-интернатлар кенг ривожланади. барча мактабларда бепул иссиқ нонуштаклар берилади. бепул овқатлар бериладиган узайтирилган мактаб кунлари практикаси жорий қилинади, ўқувчиларга кийимлар ва ўқув қуроллари бепул берилади.

Давлат органлари, касаба союзлари, колхозлар миллий даромад ўсиб борган сари, йигирма йил мобайнида қарилик ёки инвалидлик орқасида меҳнат қобилиятини йўқотган барча гражданларни моддий жиҳатдан таъминлашни ўз зиммаларига олиб борадилар. Касаллиги ва меҳнат қобилиятини йўқотганлиги учун нафақалар, қарилик учун пенсиялар бериш тартиби колхозчиларга жорий қилинади. Қарилик ва инвалидлик учун бериладиган пенсияларнинг миқдори оширилади. Шаҳар ва қишлоқда қариялар ва инвалидлар учун обод уй-интернатлар кўплаб очилади. бундай уй-интернатлар хоҳловчи барча кишиларни бепул боқиш учун қабул қила олади.

Давоми. Боши газетанинг 2 ва 3 ноябрь сонларида.

Халқнинг моддий фаровонлигини ошириш соҳасида партия белгилаб берган вазифаларнинг амалга оширилиши натижасида Совет Иттифоқи эҳтиёжга яраша тақсимотнинг коммунистик принципларини амалга ошириш томон анча илгари боради.

Йигирма йилликнинг охирига келиб, ижтимоий истеъмол фондлари ўз миқдори бўйича қаҳонинг жами реал даромадининг тахминан ярмини ташкил қилади. Бу эса жамият ҳисобидан қуйидагиларни таъминлашга имкон беради:

— болаларни болалар муассасаларида ва мактаб-интернатларда (ота-оналарининг истаги билан) бепул боқиб тарбиялашга;

— меҳнатга лаёқатсиз кишиларни моддий жиҳатдан таъминлашга;

— барча ўқув муассасаларида бепул билим олишга;

— барча гражданларга бепул медицина хизмати кўрсатишга, шу жумладан касалларни бепул дори-дармонлар билан таъминлашга ва санаторийларда бепул даволашга;

— квартиралардан, шунингдек, коммунал хизматлардан бепул фойдаланишга;

— коммунал транспортдан бепул фойлаланишга;

— маиший хизмат кўрсатишнинг баъзи хилларидан бепул фойдаланишга;

— дам олиш уйларидан, пансионатлардан, туристик базалардан, спорт иншоотларидан фойдаланиш қакинда аста-секин камайтириб боришга ва қисман бепул қилишга;

— аҳолини нафақалар, имтиёзлар ва стипендиялар (ёлғиз ва кўп болали оналарга нафақалар, студентларга стипендиялар) билан тобора кенг миқдорда таъминлашга;

— корхоналарда, муассасаларда бепул умумий овқатланишга (тушлик овқатлар) ва ишлаб чиқаришда машғул бўлган колхозчиларни бепул умумий овқатлантиришга аста-секин ўтишга имкон беради.

Шундай қилиб, Совет давлати одамнинг ўсиб боратган моддий ва маданий эҳтиёжларини ҳақиқатда тўла ва мукаммал қондиришнинг намунасини бутун дунёга кўрсатади. Мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучлари қанча тез ривожланса ва меҳнат унумдорлиги қанча тез ўсса, совет халқининг ижодий куч-ғайрати қанча кўп ошса, совет кишиларининг турмуш даражаси шунча тез юксалади.

Белгиланган программа тинчлик шароитида муваффақиятли бажарилиши мумкин. Халқаро вазиятнинг кескинлашуви ва шу муносабат билан мудофаа харажатларини кўпайтириш зарурати халқ фаровонлигини юксалтириш планларини бажаришни тўхтатиб қўйиши мумкин. Халқаро муносабатларни мустаҳкам мустаҳкамлаштириш, ҳарбий эҳтиёжларга қилинадиган харажатларни қисқартиш ва айниқса давлатлар ўртасидаги тегишли битимга асосан ёппасига ва тўла қуролсизланишни амалга ошириш меҳнаткашларнинг турмуш даражасини кўтариш планларини анча ошириб бажаришга имкон берур эди.

Совет халқи фаровонлигини оширишнинг улуғвор программасини бажариш оламшумул-тарихий аҳамиятга эга бўлади. Партия совет халқини астойдил, илҳом билан меҳнат қилишга чақиради. Ҳар бир меҳнаткаш коммунистик жамият қуришда, халқ фаровонлигини ошириш программасини бажариш учун курашда ўз бурчини ўташи лозим.

III. ПАРТИЯНИНГ ДАВЛАТ ҚУРИЛИШИ ВА СОЦИАЛИСТИК ДЕМОКРАТИЯНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

Социалистик революция натижасида вужудга келган пролетариат диктатураси СССРда социализм ғалабасини таъминлаб, оламшумул-тарихий роль ўйнади. Айни эзмонда социализм қурилиши процессида пролетариат диктатурасининг ўзи ҳам ўзгарди. Эксплуататор синфлар тугатилиши билан уларнинг қаршилигини бостириш функцияси барҳам топди. Социалистин давлатнинг асосий функциялари — хўжалик-ташкилотчилик ва маданий-тарбиявий функциялари ҳар томонлама ривожланди. Социалистик давлат ўз тараққиётининг янги даврига қадам қўйди. Давлатнинг социалистик жамият меҳнатчиларининг умумхалқ ташкилотига ўсиб ўтиш процесси бошланди. Пролетар демократияси тобора умумхалқ социалистик демократиясига айлана борди.

Ишчилар синфи — ўз ҳокимиятини абадийлаштиришни мақсад қилиб қўймайдиган тарихда бирдан-бир синфдир. Пролетариат диктатураси социализмнинг — коммунизм биринчи фазасининг — тўла ва узил-кесил ғалабасини ҳамда жамиятнинг коммунизм қурилишини кенг авж олдиришга ўтишини таъминлаб, ўз тарихий вазифасини бажарди ва ички тараққиёт вазифалари нуқтаи назаридан СССРда зарур бўлмай қолди. Пролетариат диктатураси давлати сифатида вужудга келган давлат ҳозирги янги даврда умумхалқ давлатига, бутун халқ манфаатлари ва иродасини ифода қилиш органига айланди. Ишчилар синфи совет жамиятининг энг илғор, уюшган кучи бўлганлигидан, у коммунистик қурилишни кенг авж олдириш даврида ҳам ўз раҳбарлик ролини амалга оширади. Ишчилар синфи жамият раҳбари сифатидаги ўз ролини коммунизм қурилиб, синфлар йўқолгач бажариб бўлади.

Партия ишчилар синфининг диктатураси давлат барҳам топмасдан илгарироқ ўз вазифасини бажариб бўлади, деган қоидага асосланади. Давлат, умумхалқ ташкилоти сифатида, коммунизм тўла ғалаба қилгунча сақланиб қолади. У халқ иродасини ифода қилиб, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишни, социалистик муносабатларни коммунистик муносабатларга айлантиришни ташкил этиши, меҳнат меёри билан истеъмол меёри устидан контроль ўрнатиши, халқ фаровонлигини юксалтиришни таъминлаши, совет гражданларининг ҳуқуқ ва эркинликларини, социалистик ҳуқуқ-тартиботларни ва социалистик мулкни қўриқлаши, халқ оммасини онгли интизом руҳида ва меҳнатга коммунистик муносабат руҳида тарбиялаши, мамлакат мудофааси ва хавфсизлигини пухта таъминлаши, социалистик мамлакатлар билан қардошларча ҳамкорликни ривожлантириши, умумий тинчлик ишини ҳимоя қилиши ва барча мамлакатлар билан нормал муносабатда бўлиши лозим.

Социалистик демократияни ҳар томонлама кенгайтириш ва такомиллаштириш, барча гражданларнинг давлатни бошқаришда, хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик қилишда актив иштирок этиши, давлат аппарати ишини яхшилаш ва унинг фаолияти устидан халқ контролини кучайтириш — коммунизм қуриш даврида социалистик давлат тараққиётининг асосий йўналиши ана шулардир. Социалистик демократияни янада ривожлантириш процессида давлат ҳокимияти органларига тобора ижтимоий ўз-ўзини бошқариш органларига айланиб боради. Маҳаллий органларнинг ташаббусини энг кўп даражада ривожлантиришни, иттифоқчи республикалар ҳуқуқларини кенгайтиришни, оммаднинг ижодий активлигини оширишни марказлашган раҳбарлик билан тўғри кўшиб олиб боришни таъминловчи ленинча демократик централизм принципи янада кўпроқ ривожланади. Интизомни мустаҳкамлаш, бошқариш аппаратидаги барча звеноларнинг фаолияти устидан кундалик контролни амалга ошириш ва Совет ҳокимияти қарорлари ва қонунларининг бажарилишини текшириб бориш, ҳар бир ходимнинг бу қарор ва қонунларнинг қатъий ва ўз вақтида амалга оширилиши учун жавобгарлигини кучайтириш лозим.

1. Советлар ва давлатни бошқариш демократик принципларини ривожлантириш

Халқнинг жуда кенг ташкилоти ва халқ бирлигининг тимсоли бўлган Советларнинг роли коммунистик қурилиш жараёнида ошиб боради. Советлар давлат ва жамоат ташкилоти белгиларини ўзида мужассамлаштириб, тобора кўпроқ жамоат ташкилотлар сифатида майдонга чиқа боради ва уларнинг фаолиятида омма кенг кўламда ва бевосита иштирок этади.

Партия халқ вакиллигининг формаларини такомиллаштира боришни ва совет сайлов системасининг демократик принципларини ривожлантиришни зарур деб ҳисоблайди.

Советларнинг депутатлигига номзодлар кўрсатиш вақтида энг муносиб ва обрўли номзодларни танлаш мақсадида уларнинг шахсий ва иш соҳасидаги хислатларини йигилишларда ва матбуотда жуда кенг ва ҳар томонлама муҳокама қилиш таъминланиши лозим.

Советларнинг ишини яхшилаш учун, уларга янгидан-янги кучлар келиб туриши ва шу тариқа янгидан **миллионлаб меҳнатчиларнинг давлатни бошқариш мактабини ўтишлари учун** ҳар бир сайловда Советлар депутатлари составининг камида учдан бир қисмини янгилаб туриш мақсадга мувофиқдир.

Қобилиятли кишиларнинг янада кенгроқ доирасини раҳбар органларга жалб қилиш, шунингдек давлат бошқармасидаги айрим ходимларнинг ҳокимиятни суиистеъмол қилишларига йўл қўймаслик мақсадида, партия **раҳбар органлар составини мунтазам суратда янгилаб туришин** зарур деб ҳисоблайди. Умуминттифоқ, республика ва маҳаллий органларнинг раҳбар ходимлари ўз вазифаларига, қонда тариқасида, кўпи билан кетма-кет уч муддатга сайланишларини кўзда тутадиган принцип ўрнатиш мақсадга мувофиқдир. Кўпчиликнинг фикрича, ходимнинг шахсий истеъдоди унинг раҳбар органда қолиб ишлашини фойдали ва зарур қилиб қўйган ҳолларда унинг қайта сайланишига йўл қўйилиши мумкин. Бундай сайловда номзод овозларнинг оддий кўпчилигини эмас, балки камида тўртдан уч қисмини олган тақдирдагина сайланган ҳисобланади.

Партия социалистик демократия принципларини такомиллаштира боришни ва уларга қатъий риоя қилишни энг муҳим вазифа деб ҳисоблайди. Советларнинг ва уларга сайланган депутатларнинг сайловчилар олдида мунтазам ҳисоб бериб туриши, сайловчиларнинг ишончни оқламаган депутатларни муддатидан илгари чақириб олиш ҳуқуқи: Советларнинг сессияларида давлатни бошқаришга, хўжалик ва маданий қуришга оид барча муҳим масалаларни ошкора, эркин ва ҳар томонлама муҳокама қилиш; ҳокимият ижроия органларининг Советларнинг сессияларида қуйидан юқоригача мунтазам ҳисоб бериб туриши: бу органларнинг ишини текшириш ва уларнинг фаолияти устидан контроль қилиш; депутатлар қўйган масалаларни Советлар томонидан мунтазам суратда муҳокама қилиб туриш: совет, хўжалик ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг ишларидаги камчиликларни танқид қилиш тўла амалга оширилиши лозим.

Советнинг ҳар бир депутати давлат фаолиятида актив иштирок қилиши ва муайян ишни бажариши лозим. Советларнинг доимий комиссияларининг роли ошиб боради. Олий Советларнинг доимий комиссиялари министрликларнинг, бошқармаларнинг, халқ хўжалик кенгашларининг фаолиятини мунтазам суратда контроль қилиб туришлари ва тегишли Олий Совет томонидан қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилишига актив ёрдам беришлари лозим. Қонун чиқарувчи органларнинг ишини яхшилаш ва ижроия органлари устидан контролни кучайтириш мақсадида комиссияларда ишлаш учун депутатларни ўз хизмат вазифаларидан вақти-вақти билан бўшатиб қўйиш практикасини жорий қилиш лозим.

Ижроия органларнинг бошқармалари ва бўлимлари компетенциясига кирадиган масалаларнинг тобора кўпроқ қисмини ҳал қилиш маҳаллий Советларнинг доимий комиссиялари ихтиёрига аста-секин бериб борилиши лозим.

Меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг (маҳаллий ўз-ўзини идора органларининг) ҳуқуқлари кенгайиб боради. Улар маҳаллий аҳамиятга эга бўлган барча масалаларни узил-кесил ҳал қиладиган бўладилар.

Район звеносини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериш керак. Колхоз-кооператив мулки билан умумхалқ мулки бир-бирига яқинлаша борган сари район аҳамиятига эга бўлган барча корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларни бошқарувчи ягона демократик орган аста-секин вужудга кела боради.

Совет давлати вакиллик органларининг қонун чиқариш фаолиятида меҳнаткашлар жамоат ташкилотларининг ва бирлашмаларининг иштироки кенгаяди. Касаба союзларига, комсомолга ва бошқа оммавий жамоат ташкилотларига уларнинг умуминттифоқ ва республика органлари орқали қонун чиқариш ташаббуси, яъни қонун проектларини киритиш ҳуқуқи берилиши керак.

Умумдавлат аҳамиятига, шунингдек, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган қонун ва бошқа карор проектларининг меҳнаткашлар томонидан муҳокама қилиниши система бўлиб қолиши лозим. Энг муҳим қонун проектлари умумхалқ овозига (референдумга) кўйилиши лозим.

КПСС давлат аппаратининг фаолиятини яхшилашга катта аҳамият беради, чунки мамлакатдаги барча ресурслардан тўғри фойдаланиш меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш масалаларини ўз вақтида ҳал қилиш кўп жиҳатдан ана шу фаолиятга боғлиқдир. Совет аппарати эддий, малакали, кам чиқим ва оператив бўлиши, бюрократизм, расмиятчилик ва сансалорликнинг ҳар қандай кўринишларидан холи бўлиши лозим.

Бу вазифани ҳал қилишнинг муҳим воситаси — **доимий давлат ва жамоат контролидир.** Ленин кўрсатмаларига биноан марказда ва жойларда давлат контролини жамоат инспекцияси билан қўшиб олиб борадиган контроль органлари доимо ишлаб туриши лозим. Партия халқ контроли инспекциясини кенг халқ оммасини давлат ишларини бошқаришга, қонунчиликка қатъий риоя қилиниши устидан контролни амалга оширишга жалб қилишнинг таъсирчан воситаси деб, давлат аппаратини такомиллаштириш, бюрократизмни йўқотиш, меҳнаткашларнинг таклифларини ўз вақтида амалга ошириш қуроли деб билади.

Социалистик давлат аппарати халққа хизмат қилади ва унга ҳисоб беради. Ходимнинг виждонан ишламаслигига, ҳокимиятни суиистеъмол қилишига, бюрократизмга қатъий чек қўйилиши ва бундай ходим кимлигидан қатъи назар қаттик жазоланиши лозим. Совет кишиларининг бурчи — қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботларни қўриқлашдан, суиистеъмолларга асло йўл қўймасликдан ва уларга қарши кураш олиб боришдан иборат.

Партия **бошқариш ишида** демократик асосларни бундан бўён ҳам ривожлантира боришни зарур деб ҳисоблайди. Сайлаб қўйиш принципини ва вакиллик органлари олдида ҳамда сайловчилар олдида ҳисоб бериб туриш принципини аста-секин давлат органларининг барча раҳбар ходимларига ҳам татбиқ қила бориш лозим.

Ишни шу тахлитда олиб бориш керакки, натижада давлатнинг маош олиб ишлайдиган аппарати қисқариб борсин, тобора кенг омма идора қилиш ишига ўрганиб борсин ва бу аппаратда ишлаш келгусида махсус касб бўлмай қолсин.

Ҳар бир раҳбарнинг гоплирилган иш учун шахсан жавобгарлигини қатъий сақлаб қолган ҳолда, давлат ва хўжалик аппаратининг барча звенолари ишида коллегиалликни изчиллик билан амалга ошириб бориш зарур.

Энг кенг демократизм меҳнаткашларнинг ўртоқлик интизомига қаттик риоя қилиши билан қўшиб олиб борилиши ҳамда шу интизомни мустаҳкамлашга, юқоридан ва қуйидан контролни амалга оширишга ёрдамлашиши лозим. Барча давлат органлари фаолиятидаги асосий нарса — омма ўртасида ташкилотчилик иши олиб бориш, ходимларни тўғри танлаш, уларни иш устида синаш ва уларга қилган ишига қараб баҳо бериш раҳбар органлар топшириқлари ва қарорларининг амалда бажарилишини коитроль қилишдир.

Социалистик ҳуқуқ-тартиботларни янада мустаҳкамлаш, хўжалик-ташкилотчилик ва маданий-тарбиявий ишларни тартибга солувчи, коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал қилишга ва шахснинг ҳар томонлама камол топишига ёрдамлашувчи ҳуқуқ нормаларини такомиллаштириш катта аҳамиятга эга бўлади.

Коммунизмга ўтиш шахс эркинлигини ва совет гражданларининг ҳуқуқларини бутун чоралар билан ривожлантириш демакдир. Социализм меҳнаткашларга жуда катта ҳуқуқ ва эркинликлар берди ва уларни гарантиялади. Коммунизм меҳнаткашларга янгидан-янги жуда катта ҳуқуқ ва имкониятлар беради.

Партия социалистик қонунчиликка қатъий риоя қилинишини, ҳуқуқ-тартиботларни ҳар қандай бузишларга хотима беришни, жиноятларни тугатишни ва уларни келтириб чиқарадиган барча сабабларни йўқотишни таъминлаш вазифасини қўяди.

СССРда одил судлов қонунга батамом мувофиқ равишда амалга оширилмоқда. У чинакам демократик асосларга қурилган: судьялар ва халқ маслаҳатчиларининг сайлаб қўйилиши ва ҳисоб бериб туриши, уларни муддатидан олдин чақириб олиш ҳуқуқи, суд ишларининг ошкора олиб борилиши, судларда жамоат айбловчилари ва ҳимоячиларининг иштирок этишига асосланади, бунда суд, гергов ва суриштириш органлари қонунчиликка ва барча процессуал нормаларга қаттиқ риоя қиладилар. Одил судловнинг демократик асослари ривожланиб ва такомиллашиб боради.

Коммунизм қураётган жамиятда қонунни бузишларга ва жиноятларга ўрин бўлмаслиги керак. Лекин ҳозирча жиноят қилиш ҳоллари учраб турар экан, жамият учун хавфли жиноятлар қилаётган, социалистик турмуш қоидаларини бузаётган, ҳалол меҳнат қилиб кун кечиришни истамаётган шахсларга нисбатан қаттиқ жазо чоралари қўлланилиши лозим. Энг асосий эътибор жиноятларнинг олдини олишга қаратилиши керак.

Меҳнаткашларнинг моддий таъминоти, маданий савияси ва онгининг ўсиши жиноятларга барҳам бериш учун, оқибат натижада жиноий жазо чораларини ижтимоий таъсир кўрсатиш ва тарбиялаш чоралари билан алмаштириш учун ҳамма шароитни яратиб беради. Меҳнат қилмай қўйган ҳар бир киши социализм шароитида фойдали фаолиятга қайтиши мумкин.

Давлат ва жамоат ташкилотларининг бутун системаси меҳнаткашларни ўз бурчларини ихтиёрий, виждонан бажариш руҳида тарбиялайди, ҳуқуқ ва бурчларнинг узвий равишда коммунистик турмушнинг ягона нормалари бўлиб бирлашишига олиб боради.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

2. Жамоат ташкилотлари ролининг янада ошиши. Давлат ва коммунизм

Коммунизм қуриш кенг авж олдирилган даврда жамоат ташкилотларининг роли ошмоқда. **Касаба союзларининг** бошқариш мактаби, хўжалик юритиш мактаби, коммунизм мактаби сифатидаги аҳамияти айниқса кучаймоқда.

Партия касаба союзларининг хўжаликка раҳбарлик қилиш соҳасидаги фаолиятини кучайтиришга ёрдам беради, улар доимий ишлаб чиқариш кенгашларини корхоналарнинг ишларини ва ишлаб чиқаришга контроллиқни яхшилашга имкон берувчи таъсирчан органларга тобора айлантириб боришлари керак. Касаба союзлари:

— омманинг коммунистик онгини ошириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилишлари, коммунистик меҳнат учун мусобақанинг ташкилотчилари бўлишлари, давлат ва жамоат ишларини бошқариш малакасини ҳосил қилишда меҳнаткашларга ёрдам беришлари, меҳнат меёри ва истеъмол меёри устидан контроль қилишда актив иштирок қилишлари;

— ишчи ва хизматчиларни техникани тўхтовсиз тараққий қилдириш учун, меҳнат унумдорлигини янада ўстириш учун, давлат планлари ва топшириқларини бажариш ва ошириб бажариш учун курашга жалб қилиб, уларнинг активлигини кучайтиришлари;

— ишчи ва хизматчиларнинг малакасини ошириш тўғрисида, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилишлари, меҳнаткашларнинг моддий манфаатлари ва ҳуқуқларини қўриқлашлари;

— уй-жой ва маданий-маиший қурилиш планларини бажаришга, умумий овқатланиш ва савдони, социал страхованиени, санаторий-курорт ишларини яхшилашга эришишлари;

— ижтимоий истеъмол фондларидан фойдаланиш устидан, меҳнаткашларга хизмат кўрсатувчи барча корхона ва муассасаларнинг иши устидан контроль ўрнатишни таъминлашлари;

— меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатишни ва уларнинг дам олишини яхшилашлари, физкультура ва спортни ривожлантиришлари лозим.

Коммунистик ёшлар союзининг ёшларнинг мустақил жамоат ташкилоти сифатидаги роли ошади. Коммунистик ёшлар союзи ёшларни коммунизм руҳида тарбиялаш, уларни янги жамиятни амалда қуришга жалб қилиш, коммунизм даврида яшайдиган, ишлайдиган, жамоат ишларини бошқарадиган ҳар томонлама етук кишилар авлодини тайёрлашда партияга ёрдам беради. Партия ёшларни совет халқининг коммунизм учун курашида ижодкор, яратувчи куч деб билади.

Комсомол ҳаётнинг барча соҳаларида янада кўпроқ ташаббус ва ғайрат кўрсатиши, ёшларнинг активлигини ва меҳнат соҳасида қаҳрамонлигини ривожлантириши керак. Ёшларни Ватанга, халққа, Коммунистик партияга ва коммунизм ишига чексиз садоқат руҳида, жамиятнинг бахт-саодати учун меҳнат қилишга ва ҳар қандай қийинчиликларни енгишга доимо тайёр туриш руҳида тарбиялаш, йигит ва қизларнинг умумий маълумотини ва техника билимларини ошириш масалалари комсомол ташкилотларининг диққат марказида туриши керак. Комсомолнинг муқаддас бурчи — ёшларни социалистик Батанни ҳимоя қилишга тайёрлашдан, ҳар қандай душманнинг ҳужумига қатъий зарба бера оладиган фидокор ватанпарварларни тарбиялаб етиштиришдан иборат. Комсомол ёшларни коммунистик ахлоқнинг принсип ва нормаларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялайди. Комсомол мактабда ва пионер ташкилотида олиб борадиган иши билан хушчақчақ, меҳнатсевар, жисмоний ва маънавий соғлом авлодни тарбиялашда актив иштирок қилиши лозим.

Кооперациянинг — колхозлар, матлубот, уй-жой қурилиш кооперацияларининг ва бошқа кооператив ташкилотларнинг оммани коммунистик қурилишга жалб қилишнинг, коммунистик руҳда тарбиялашнинг ва ижтимоий ўз-ўзини идора қилиш мактабининг формаларидан бири сифатидаги аҳамияти ортади.

Меҳнаткашларнинг бошқа жамоат уюшмалари: илмий, илмий-техника ва илмий-оқартув жамиятлари, рационализатор ва ихтирочилар ташкилотлари, адабиёт, санъат, журналистика ходимлари союзлари, маданий-оқартув, спорт жамиятлари ҳам ривожланади.

Партия меҳнат мусобақасини бутун чоралар билан ривожлантиришни ва коммунистик меҳнат формаларини рағбатлантиришни, меҳнаткашларнинг коммунизм қуришдаги активлигини янада оширишни, оммани моддий-маиший аҳволини яхшилаш тўғрисида ва унинг ўсиб бораётган маънавий эҳтиёжларини қондириш тўғрисида ғамхўрлик қилишни жамоат ташкилотларининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблайди. Жамоат ташкилотларининг маданият, соғлиқни сақлаш ва социал-таъминот муассасаларини бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш, давлат ихтиёридаги томошахоналар, клублар, кутубхоналар ва бошқа маданий-оқартув муассасаларига раҳбарлик қилишни яқин йиллар ичида улар ихтиёрига бериш; бу ташкилотларнинг жамоат тартибини мустаҳкамлаш, айниқса халқ дружиналарини, ўртоқлик судларини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини кенгайтириш лозим.

Жамоат ташкилотларининг ташаббускорлигини кучайтириш мақсадида партия уларнинг маош олиб ишлайдиган аппаратини қуйидан юқоригача бундан буён ҳам қисқартириб бориши, навбатдаги сайловларда ҳар бир жамоат органи составининг тахминан ярмини янгилашни зарур деб ҳисоблайди. Жамоат ташкилотларининг раҳбар ходимлари одат тариқасида кўпи билан кетма-кет икки муддатга сайланиши мақсадга мувофиқ деб топилсин.

Социалистик давлатнинг ривожланиши уни аста-секин ижтимоий **коммунистик ўз-ўзини идора** қилишга айлантириб боради. Советлар, касаба союз, кооператив ташкилотлари ва меҳнаткашларнинг бошқа оммавий ташкилотлари унга бирлашади. Бу процесс бутун жамият ҳаётларининг жамоат ишларини бошқаришда актив иштирок қилишини таъминловчи демократиянинг янада ривожланишини билдиради. Давлатнинг хўжалик ва маданиятни бошқариш соҳасидаги ҳозирги функцияларига ўхшаш ижтимоий функциялар жамият тараққиётига мувофиқ суратда ўзгариб ва такомиллашиб, коммунизм даврида ҳам сақланиб қолади. Лекин уларни амалга ошириш характери ва усуллари социализм давридагига қараганда бошқача бўлади. Ҳозир давлат органлари бўлган планлаш ва ўчёт органлари, хўжаликка ва маданиятни ривожлантиришга раҳбарлик қилувчи органлар сиёсий характерини йўқотади ва ижтимоий ўз-ўзини идора қилиш органларига айланади. Коммунистик жамият меҳнат аҳлларининг юксак даражада уюшган дўстона оиласи бўлади. Ҳамма одамлар эътиборф этган ягона коммунистик турмуш қоидалари вужудга келадики, бу қоидаларга риоя қилиш барча кишиларнинг ички эҳтиёжи ва одатига айланади.

Тарихий тараққиёт давлатнинг муқаррар суратда барҳам топишига олиб боради. Давлатнинг бутунлай барҳам топиши учун ҳам ички шароитлар — ривожланган коммунистик жамиятни қуриш, ҳам ташқи шароитлар — халқаро майдонда социализмнинг ғалаба қозониши ва мустаҳкамланиши зарур.

3. Совет Иттифоқининг Қуролли Кучларини ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси бутун совет халқининг якдиллик билан қўллаб-қувватлашига таяниб, социализм ғалабаларини, бутун дунёда тинчлик ишини оғишмай ва қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқда, инсонятни агрессив урушлардан узил-кесил қутқариш учун ҳормайтолмай курашмоқда. Ижтимоий тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшашидан иборат ленинча принсип Совет давлати ташқи сиёсатининг бош принципи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Совет Иттифоқи қаттиқ халқаро контроль остида ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисида ўзи томонидан илгари сурилган таклифларнинг амалга оширилиши учун сабот билан кураш олиб бормоқда. Лекин империалистик давлатлар бу таклифларни қабул қилишдан зўр бериб бош тортмоқдалар, ўз қуролли кучларини жадал суръатда кўпайтирмоқдалар. Улар жаҳон социалистик системасининг яшаб туришига кўникишни истамаётирлар ҳамда Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатларни уруш йўли билан йўқ қилиш каби аҳмоқона планлари тўғрисида очиқдан-очиқ гапирмоқдалар. Бу ҳол Коммунистик партия, СССР Қуролли Кучлари, давлат хавфсизлиги органлари, барча халқлари зиммасига тинчлик душманларининг агрессив ҳийла-найрангларидан доимо ҳушёр бўлиб туриш ва ҳамма вақт тинч меҳнатни қўриқлаш, ўз Ватанини қурол билан ҳимоя қилишга ҳамиша тайёр туриш вазифасини юклайди.

Партия, империализм сақланиб қолар экан, агрессив урушлар хавфи қолаверади, деган қоидага асосланади. КПСС социалистик Ватанни ҳимоя қилишни, СССР мудофаасини, Совет Қуролли Кучларининг қудратини мустаҳкамлашни партиянинг, бутун совет халқининг муқаддас бурчи, социалистик давлатнинг энг муҳим функцияси деб билади. Совет Иттифоқи бошқа социалистик мамлакатлар билан биргаликда бутун социалистик лагерни ишончли равишда ҳимоя қилишни ва унинг хавфсизлигини таъминлашни ўзининг интернационал бурчи деб ҳисоблайди.

Ички шароитлар нуқтаи назаридан қараганда Совет Иттифоқи армияга муҳтож эмас, лекин империалистик лагерь уруш хавфини солиб турганлиги, ёппасига ва батамом қуролсизланишга эришилмаганлиги сабабли, КПСС Совет давлатининг мудофаа қудратини, унинг Қуролли Кучларининг жанговар тайёргарлигини Совет Ватанга тажовуз қилишга журъат этадиган ҳар қандай душманни узил-кесил ва батамом тор-мор қилишни таъминлай оладиган даражада сақлаш зарур деб ҳисоблайди. Совет давлати ўз Қуролли Кучларининг қудратли бўлиши тўғрисида, Ватанни ҳимоя қилиш учун керак бўладиган энг замонавий воситаларга—атом ва термоядро қуролига, ҳар қандай радиусга отиладиган ракеталарга эга бўлишлари тўғрисида, ҳарбий техника ва қурол-яроғнинг ҳамма турларининг лозим даражада шай бўлиб туриши тўғрисида ғамхўрлик қилади.

Партия коммунистларни, барча совет кишиларини социалистик Ватанни ҳимоя қилишга доим тайёр туриш, ўз армиясини севиш руҳида тарбиялайди. Партия ижтимоий мудофаа ташкилотлари фаолиятини янада ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашади. Ватанни ҳимоя қилиш, Совет Қуролли Кучларида хизмат қилиш — совет гражданининг юксак ва фахрли бурчидир.

КПСС Совет Қуролли Кучларининг аниқ ва мустаҳкам организм бўлиши, юксак даражада уюшган ва интизомли бўлиши, партия, ҳукумат ва халқ томонидан қўйилган вазифаларни намунали бажариши, империалистик агрессорларга қақшатқич зарба беришга ҳамма вақт тайёр туриши учун барча чораларни кўрмоқда. Яккабошчилик — Совет Қуролли Кучлари тузилишининг энг муҳим принципидир.

Партия армия ва флот учун коммунизм ишига чексиз содиқ бўлган ва совет халқининг энг яхши вакилларидан олинадиган командир, сиёсий ва техник кадрларни тайёрлаш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилади. Партия командирлар составини маркса-ленинча назарияни қунт билан ўрганиши, юксак ҳарбий техника тайёргарлигига эга бўлиши, ҳозирги замон ҳарбий назарияси ва практикасининг ҳамма талабларига жавоб бериши ҳарбий интизомни мустаҳкамлаши зарур деб ҳисоблайди. Барча совет жангчилари ўз халқига, коммунизм ишига чексиз садоқат руҳида тарбияланиши, социалистик Ватанни ҳимоя қилиш учун бутун куч-қувватини ва, лозим бўлиб қолса, ҳаётини ҳам аямасликка тайёр туриши керак.

Қуролли Кучларга Коммунистик партиянинг раҳбарлик қилиши, партия ташкилотларининг армия ва флотдаги роли ва таъсирининг кучайиши — ҳарбий қурилиш асосларининг асосидир. Партия армия, авиация ва флотнинг бутун ҳаёти ва фаолиятига ўзининг ташкилотчилик ва етакчилик таъсирини кучайтиришга, Қуролли Кучлар шахсий составини Коммунистик партия ва Совет ҳукумати атрофига жипслаштиришга, армия билан халқ бирлигини мустаҳкамлашга, жангчиларни мардлик, жасурлик ва қаҳрамонлик руҳида ва социалистик мамлакатлар армиялари билан жанговар ҳамдўстлик руҳида, коммунизм қураётган Советлар мамлакатини ҳимоя қилишга ҳамма вақт тайёр туриш руҳида тарбиялашга доимо катта эътибор беради.

IV. ПАРТИЯНИНГ МИЛЛИЙ МУНОСАБАТЛАР СОҲАСИДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

Социализм шароитида миллатлар равнақ топади, уларнинг суверенитети мустаҳкамланади. Миллатларнинг ўсиши, капитализм шароитида бўлгани каби, миллий адоватларни, миллий чекланганлик ва худбинликни кучайтириш йўлидан эмас, балки миллатларнинг бир-бирларига яқинлашуви, қардошларча ўзаро ёрдами ва дўстлиги йўлидан боради. Янги саноат марказларининг вужудга келиши, табиий бойликларнинг топилиши ва ишга солиниши, қўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши ва барча транспорт турларининг ривожланиши аҳолининг эркин кўчиб юришини кучайтирмоқда, Совет Иттифоқи халқларининг ўзаро алоқасини кенгайтиришга ёрдам бермоқда. Совет республикаларида кўп миллат кишилари бирга яшамоқдалар ва аҳиллик билан меҳнат қилмоқдалар. Иттифоқчи республикаларнинг СССР ичидаги чегаралари ўзининг илгариги аҳамиятини тобора йўқотиб бормоқда, чунки ҳамма миллатлар тенг ҳуқуқлидирлар, уларнинг ҳаёти ягона социалистик негизда қурилмоқда ва ҳар бир халқнинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари бир меёрда қондирилмоқда, уларнинг ҳаммаси умумий ҳаётий манфаатлари билан бир оилага бирлашгандирлар ва ягона мақсад бўлган коммунизмга биргаликда бормоқдалар. Турли миллатларга мансуб бўлган совет кишиларининг маънавий қиёфасида ижтимоий муносабатларнинг янги типи туфайли вужудга келган ва СССРдаги барча халқларнинг энг яхши традицияларини ўзида мужассамлаштирган умумий фазилатлар вужудга келди.

Коммунистик қурилишни кенг авж олдириш СССРдаги миллий муносабатларнинг ривожланишида янги босқич бўлади, бу босқичда миллатлар янада яқинлашади ва уларнинг тўла бирлигига эришилади. Коммунизм моддий-техника базасининг қурилиши совет халқларининг янада мустаҳкамроқ бирлашувига олиб боради. Миллатлар ўртасида моддий ва маънавий бойликларни айирбош қилиш тобора жадалроқ боради, ҳар бир республиканинг коммунистик қурилишнинг умумий ишига қўшадиган ҳиссаси кўпайиб боради. Синфлар ўртасидаги чегараларнинг йўқолиши ва коммунистик иктимоий муносабатларнинг ривожланиши миллатларнинг социал жиҳатдан бир хиллигини кучайтиради, маданият, ахлоқ ва турмушнинг умумий коммунистик фазилатларининг ривожланишига, миллатлар ўртасидаги ўзаро ишонч ва дўстликнинг янада мустаҳкамланишига ёрдам беради.

СССРда коммунизм ғалаба қозониши билан миллатлар янада кўпроқ яқинлашади, уларнинг иқтисодий ва ғоявий бирлиги кучаяди, уларнинг маънавий қиёфасидаги умумий коммунистик фазилатлар етилиб боради. Бироқ миллий тафовутларнинг, айниқса тилдаги тафовутларнинг йўқолиб бориши синфий чегараларнинг йўқолиб боришига нисбатан анча узоқроқ процессдир.

Партия коммунистик қурилиш жараёнида пайдо бўладиган миллий муносабат масалаларининг ҳаммасини пролетар интернационализми позицияларида туриб, ленинча миллий сиёсатни оғишмай амалга ошириш асосида ҳал қилиб боради. Партия миллий хусусиятларнинг эътиборга олинмаслигига ҳам, уларни бўрттириб кўрсатишга ҳам йўл қўймайди.

Партия миллий муносабатлар соҳасида қуйидаги вазифаларни илгари суради:

а) барча совет миллатлари ва элатларининг қардошларча ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдамининг тобора кўпроқ мустаҳкамланиб бориши, уларнинг ҳаётнинг барча соҳаларида жипслашиб ва яқинлашиб боришини таъминлаб ва ССР Иттифоқини бутун чоралар билан мустаҳкамлашга эришиб, уларнинг экономика ва маданиятини бундан буён ҳам ҳар томонлама ривожлантириб бориш, СССР халқларининг миллий давлат формаларидан тўла фойдаланиш ва уларни такомиллаштириш;

б) иқтисодий соҳада бундан буён ҳам совет республикалари хўжалигини ҳар томонлама ривожлантириш йўлини тутиш; республикаларнинг меҳнат ғайратларини бирлаштирган ва мувофиқлаштирган, бутун давлатнинг манфаатлари билан ҳар бир совет республикасининг манфаатларини тўғри қўшиб олиб борган ҳолда ишлаб чиқаришни рационал жойлаштиришни ва табиий бойликларни планли суратда ишга солишни таъминлаб бориш, республикалар ўртасида социалистик меҳнат тақсимотини такомиллаштириш. Иттифоқчи республикаларнинг хўжаликка раҳбарлик қилиш соҳасидаги ҳуқуқларини кенгайтириш катта ижобий натижалар берганлигига асосланиб, бундан кейин ҳам ана шундай тадбирлар амалга оширилиши мумкин ва бунда коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш совет республикаларининг ўзаро янада мустаҳкамроқ алоқа боғлашларини ва бир-бирларига яқиндан ёрдам кўрсатишларини талаб қилишини ҳисобга олиш керак. Миллатлар ўртасидаги алоқа қанчалик мустаҳкам бўлса ва имкумхлар вазифалари қанчалик яхши тушунилса, маҳаллийчилик ва миллий худбинлик кўринишлари шунчалик муваффақиятли бартараф қилинади.

Коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилиш ва хўжалик фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида муайян зоналарда республикаларо хўжалик органларини (айниқса суғориш, электр энергия қувватларини халқа шаклида ўтказиш, транспорт ва бошқа масалалар бўйича) тузиш мумкин.

Партия, илгаригидек, барча миллат ва элатларнинг манфаатларини тўла ҳисобга олган ҳолда уларнинг амалдаги тенглилигини таъминлайдиган сиёсат юргизади, мамлакатнинг тезрок ривожланиришга лозим бўлган районларига алоҳида эътибор беради. Коммунистик қурилиш процессида кўпайиб борадиган неъматлар барча миллат ва элатлар ўртасида адолатли тақсимланиши керак;

в) СССР халқларининг социалистик маданиятини бундан буён ҳам ҳар томонлама гуллаб-яшнатишга эришиш. Коммунистик қурилишнинг кенг қулоч ёйиши ва коммунизм идеологиясининг янги ғалабалари СССР халқларининг мазмунан социалистик, шаклан миллий маданиятини бойитиб боради. Миллат ва элатларнинг тобиий ривожланиши, улар маданиятининг яқинлашуви кучаяди. Социалистик миллатлар тараққиётининг тарихий тажрибаси миллий формалар қотиб қолмаслигини, балки янги ҳаёт шароитларига зид бўлган ҳамма эски нарсалардан халос бўлиб, ўзгариб, такомиллашиб ва бир-бирига яқинлашиб боришини кўрсатади. Барча совет миллатлари учун умумий бўлган интернационал маданият ривожланади. Ҳар бир миллатнинг маданият хазинаси интернационал характерга эга бўлган ижодлар билан тобора кўпроқ бойиб боради.

Партия СССР халқлари маданиятининг социалистик мазмунини ривожлантиришга катта аҳамият бериб, унинг бундан буён ҳам ўзаро бойиб, яқинлашиб боришига, унинг интернационал негизининг мустаҳкамланишига ва шу йўл билан коммунистик жамиятга хос ягона умуминсоний маданиятининг вужудга келишига ёрдам беради. Партия ҳар бир халқнинг прогрессив традицияларини қўллаб-қувватлаб, улардан барча совет кишиларини баҳраманд қилиб, коммунизм қурувчиларнинг янги, барча миллатлар учун ягона бўлган революцион традицияларини бутун чоралар билан ривожлантириб боради;

г) СССР халқлари тилларининг бундан буён ҳам эркин ривожланиб боришини, СССРнинг ҳар бир гражданига ўз хоҳлаган тилида гапириш, ўз болаларини хоҳлаган тилда тарбиялаш ва ўқитиш учун тўла эркинлик беришни, у ёки бу тилни ишлатишда ҳеч қандай имтиёз, чеклаш ёки мажбур қилишларга йўл қўймасликни таъминлаш. Халқларнинг қардошларча дўстлиги ва ўзаро ишонч шароитида миллий тиллар тенг ҳуқуқлилик ва бир-бирини бойитиш асосида ривожланиб боради.

Турмушда она тили билан бир қаторда рус тилини ҳам ихтиёрий суратда ўрганиш процесси кетаётганлиги ижобий аҳамиятга эгадир, чунки рус тили ўзаро тажриба алмашишга ва ҳар бир миллат ва элатнинг СССРдаги бошқа барча халқларнинг маданий ютуқларидан ва жаҳон маданиятидан баҳраманд бўлишига ёрдам беради. Рус тили амалда СССРдаги барча халқларнинг миллатлараро алоқа ва ҳамкорлик қилишда умумий тил бўлиб қолди;

д) миллий муносабатлар соҳасида бундан буён ҳам интернационализм принципларини изчиллик билан амалга ошириш; халқлар дўстлигини социализмнинг энг муҳим ютуқларидан бири сифатида мустаҳкамлаш; ҳар қандай миллатчилик ва шовинизм кўринишлари ва сарқитларига қарши, миллий чекланганлик ва миллий мутаассиблик, ўтмишни идеаллаштириш ва халқлар тарихидаги социал зиддиятларни хаспўшлаб кетиш тенденцияларига қарши, коммунистик қурилишга халақит берадиган урф-одатларга қарши муросасиз кураш олиб бориш. Коммунистик қурилиш кўламининг кенгайиб бораётганлиги миллатлар ўртасида доимо қадрдан айирбошлаб туришни талаб қилмоқда. Совет республикаларида турли миллат ходимларини тарбиялаш ва улардан фойдаланишда миллий алоҳидаликнинг ҳар қандай кўринишларига асло йўл қўйиб бўлмайди. Миллатчилик кўринишларини тугатиш СССРдаги барча миллат ва элатларнинг манфаатларига мувофиқ келади. Ҳар бир совет республикаси бундан кейин ҳам СССРдаги қардош социалистик миллатларнинг улуғ оиласидагина равнақ топиши ва мустаҳкамланиши мумкин.

V. ПАРТИЯНИНГ ИДЕОЛОГИЯ, ТАРБИЯ, ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ СОҲАСИДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

Совет жамияти оммани социалистик руҳда тарбиялаш, социализмнинг актив қурувчиларини вояга етказиш соҳасида катта муваффақиятларга эришди. Лекин социалистик тузум ғалаба қилгандан кейин ҳам кишиларнинг онги ва хулқ-атворида капитализм сарқитлари сақланиб қолмоқда ва улар жамиятнинг олға томон ҳаракатига тўсқинлик қилади.

Коммунизм ғалабаси учун курашда идеология иши тобора кучли факторга айланмоқда. Жамият аъзоларининг онглилиги қанча юқори бўлса, уларнинг коммунизм моддий-техника базасини яратишдаги, коммунистик меҳнат формаларини ва кишилар ўртасидаги янги муносабатларни ривожлантиришдаги ижодий активлиги шунча тўла ва кенг ривожланади ва, бинобарин, коммунизм қурилиши вазифалари шунчаез ва муваффақиятли ҳал қилинади.

Партия ҳозирги босқичда идеология ишидаги асосий вазифа — барча меҳнаткашларни юксак ғоявийлик ва коммунизмга садоқат руҳида, меҳнатга ва ижтимоий хўжаликка коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашдан, буржуа қарашлари ва ахлоқининг сарқитларини батамом тугатишдан, шахсни ҳар томонлама, гармоник тарзда ўстиришдан, чинакам маънавий маданият бойлигини вужудга келтиришдан иборат, деб ҳисоблайди. Партия ёш авлодни тарбиялашга алоҳида аҳамият беради.

Янги одамнинг вояга етиши коммунизм қурилишида актив иштирок қилиш процессида, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда коммунистик асосларни ривожлантириш процессида, партия, давлат ва жамоат ташкилотлари олиб борадиган бутун тарбиявий иш системасининг таъсири остида юз беради. Бунда матбуот, радио, кино ва телевидение муҳим роль ўйнайди. Ижтимоий тузилишнинг коммунистик формаларини яратиш жараёнида турмушда, меҳнатда, кишилар ўртасидаги муносабатларда коммунистик ғоявийлик тобора кучлирсқ ва мустаҳкамроқ ўрнашиб боради, коммунизм неъматларидан оқилона фойдалана билиш вужудга келади. Жамият аъзоларининг биргаликда, планли суратда ташкил қилинган меҳнати, уларнинг давлат ва жамоат ишларини бошқаришда кундалик иштироки, ўртоқларча ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам кўрсатиш каби коммунистик муносабатларнинг ривожланиши кишилар онгининг коллективизм, меҳнатсеварлик ва инсонпарварлик руҳида ўзгара боришига олиб боради.

Меҳнаткашларнинг коммунистик онглилигининг ошиши ишчилар, колхозчилар ва интеллигенциянинг ғоявийсиёсий жиҳатдан янада кўпроқ жипслашувига, уларнинг коммунистик жамият меҳнаткашларининг ягона коллективига тобора қўшилиб боришига ёрдам беради.

Партия қуйидаги вазифаларни илгари суради:

1. Коммунистик онглиликни ўстириш соҳасида

а) Илмий дунёқарашни шакллантириш. Стихияли иқтисодий тараққиёт ишлаб чиқаришни ва бутун жамият ҳаётини онгли суратда ташкил қилишга ўз ўрнини бўшатиб берган, назария кун сайин амалга оширилиб турган социализм ва коммунистик жамият қурилиши шароитида, совет жамиятининг барча меҳнаткашлари онгида философик, иқтисодий ва социал-сиёсий қарашларнинг бир бутун ва мунтазам системаси бўлган марксизм-ленинизм асосида илмий дунёқарашни шакллантириш биринчи даражали аҳамиятга эга бўлади. Партия бутун аҳолини илмий коммунизм руҳида тарбиялаш вазифасини қўяди, меҳнаткашлар жаҳон тараққиётининг жараёни ва перспективаларини чуқур тушунишларига, мамлакат ичидаги ва халқаро майдондаги воқеаларни тўғри тушуна билишларига, ҳаётни онгли суратда коммунистик тарзда қуришларига харакат қилади. Коммунистик идеялар ҳар бир кишининг хулқ-атворида, ҳар бир коллектив ва ҳар бир ташкилотнинг фаолиятида коммунистик ишлар билан узвий боғлаб олиб борилиши лозим.

Турмуш илгари сураётган янги проблемаларни назарий жиҳатдан ишлаб чиқиб, уларни ўз вақтида амалга ошириш — жамиятнинг коммунизм сари муваффақиятли ҳаракатининг зарур шартидир Назария бундан буён ҳам практика йўлини ёритиб бориши, коммунистик қурилишни муваффақиятли олиб боришга халақит берадиган тўсқинлик ва кийинчиликларни аниқлаш ва бартараф қилишга ёрдам бериши лозим. Партия совет жамиятининг ҳаётида юз бераётган янги ҳодисаларни ҳамда жаҳон революцион ишчилар ҳаракати ва озодлик ҳаракатининг тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш асосида марксча-ленинча назарияни бундан буён ҳам ривожлантириб бориши, коммунистик қурилиш назарияси билан практикасини ижодий тарзда қўшиб олиб боришни ўзининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблайди.

б) **Меҳнат тарбияси.** Партия жамиятнинг барча аъзоларида меҳнатга коммунистик муносабатни ўстиришни тарбиявий ишнинг марказига қўяди. Жамият бахт-саодати йўлида меҳнат қилиш — ҳар бир кишининг муқаддас бурчидир. Жамият фойдасига қилинадиган ҳар қандай жисмоний ва ақлий меҳнат ҳурмат қилинади ва қадрланади. Барча меҳнаткашларни меҳнатнинг энг яхши намуналари асосида, ижтимоий хўжаликни олиб боришнинг энг яхши намуналари асосида тарбиялаш лозим.

Кишиларнинг ҳаёти ва ўсиши учун керакли нарсаларнинг ҳаммасини меҳнат яратади, Шу сабабли меҳнатга қобиллиятли ҳар бир киши ўз ҳаёти ва фаолияти учун, жамият фаровонлиги учун зарур бўлган воситаларни яратишда иштирок қилиши керак. Меҳнат қилмай, жамиятдан ҳар қандай неъматлар оладиган киши текинхўр бўлиб қолур ва бошқаларнинг ҳисобига яшаган бўлур эди.

Коммунистик жамиятда киши меҳнат қилмаслиги мумкин эмас. Унинг онги ҳам, жамоатчилик фикри ҳам бунга йўл қўймайди, Қобилиятига яраша меҳнат қилиш жамиятнинг барча аъзоларининг одати, биринчи ҳаётий эҳтиёжи бўлиб қолади.

в) **Коммунистик ахлоқнинг қарор топиши.** Коммунизмга ўтиш процессида жамият ҳаётида ахлоқ асосларининг роли тобора кучайиб боради, маънавий факторнинг таъсир доираси кенгаяди ва, шунга мувофиқ, кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни маъмурий йўл билан тартибга солишнинг аҳамияти камайиб боради. Партия гражданларнинг онгли интизомининг барча формаларини, коммунистик ижтимоий ҳаёт асосий қоидаларининг мустаҳкамланиши ва ривожланишига олиб борувчи формаларини рағбатлантиради.

Коммунистлар эксплуататорларнинг синфий ахлоқини рад қилиб, эски дунёнинг бузилган эгоистик қарашлари ва ахлоқига коммунистик ахлоқни—бутун меҳнаткаш инсониятнинг манфаат ва идеалларини ифода қилувчи энг адолатли ва олижаноб ахлоқни қарама-қарши қўядилар. Эксплуататорлар ҳукмронлиги шароитида бузилган ёки хаёсизларча поймол қилиб келинган оддий ахлоқ ва адолат нормаларини коммунизм айрим кишилар ўртасидаги муносабатларда ҳам, халқлар ўртасидаги муносабатларда ҳам мустаҳкам ҳаётий қоидаларга айлантиради. Коммунистик ахлоқ социал зулм ва ахлоққа хилоф иллатларга қарши минг йиллар мобайнида халқ оммаси томонидан олиб борилган курашда ишлаб чиқилган умуминсоний асосий ахлоқ нормаларини ўз ичига олади. Жамиятнинг маънавий ривожланишида ишчилар синфининг революцион ахлоқи айниқса муҳим аҳамиятга эгадир. Коммунистик ахлоқ социализм ва коммунизм қурилиши жараёнида янги принциплар ва янги мазмун билан бойиб боради.

Партия **коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси** қуйидаги ахлоқий принципларни ўз ичига олади деб ҳисоблайди:

— коммунизм ишига садоқат, социалистик Ватанга, социализм мамлакатларига муҳаббат;

— жамият бахт-саодати йўлида ҳалол меҳнат қилиш: ишламаган тишламайди;

— жамият бойлигини сақлаш ва кўпайтириш тўғрисида ҳар бир кишининг ғамхўрлик қилиши;

— ижтимоий бурчни юксак даражада англаш, жамият манфаатларини бузишларга нисбатан шафқатсиз бўлиш;

— коллективизм ва ўртоқларча ўзаро ёрдам: бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун;

— кишилар ўртасида инсонпарварлик муносабатлари ва ўзаро ҳурмат: киши кишига дўст, ўртоқ ва биродар;

— ижтимоий ва шахсий ҳаётда ҳалоллик ва ростгўйлик, ахлоқий поклик, оддийлик ва камтарлик;

— оилада бир-бирини ҳурмат қилиш, болалар тарбияси тўғрисида ғамхўрлик қилиш;

— адолатсизлика, текинхўрликка, виждонсизликка, мансабпарастликка, юлғичликка нисбатан муросасиз бўлиш;

— СССРдаги барча халқларнинг дўстлиги ва қардошлиги; миллий ва ирқий адоватларга нисбатан шафқатсиз бўлиш;

— коммунизмнинг, тинчлик ва халқлар озодлиги ишининг душманларига нисбатан муросасиз бўлиш;

— ҳамма мамлакат меҳнаткашлари билан, ҳамма халқлар билан қардошларча бирдамлик.

г) **Пролетар интернационализмини ва социалистик ватанпарварликни кучайтириш.** Партия совет кишиларини пролетар интернационализми руҳида тинмай тарбиялаб боради, меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлигини мустаҳкамлашга ҳар томонлама кўмаклашади. Партия совет халқининг ўз Ватанига, муҳаббатини кучайтирар экан, шунга асосланадики, жаҳон социализм системаси вужудга келиши билан социалистик жамият гражданларининг ватанпарварлиги ўз Ватанига, социалистик мамлакатларнинг бутун дўстона оиласига содиқ ва фидокор бўлишда гавдаланади. Социалистик ватанпарварлик ва социалистик интернационализм ишчилар синфи билан, барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари билан пролетарларча бирдамликни узвий равишда ўз ичига олади. Партия бундан буён ҳам буржуа миллатчилиги, ирқчилиги ва космополитизми реакцион идеологиясига қарши сабот билан кураш олиб боради.

д) **Инсон шахсининг ҳар томонлама ва гармоник ўсиши.** Коммунизмга ўтиш даврида маънавий бойликни, ахлоқий софликни ва жисмоний камолатни ўзида гармоник ҳолда мужассамлантирган янги инсонни тарбиялаш имкониятлари ўсиб боради.

Тарихий социал ғалабалар туфайли — эксплуатация, ишсизлик ва қашшоқликдан, жинси, келиб чиқиши, миллати, ирқига қараб камситишлардан халос бўлиш туфайли шахси ҳар томонлама ўстириш учун шароит яратилди. Жамиятнинг ҳар бир аъзосига ижодий меҳнат қилиш ва билим олиш учун тенг имкониятлар берилган. Жамият ва оила ҳаётида кишилар ўртасидаги қарамлик ва тенгсизлик муносабатлари йўқолиб боради. Ҳар бир гражданнинг шахсий иззат-ҳурмати жамият томонидан қўриқланади. Жамият манфаатларини ҳисобга олиб туриб, ҳар бир кишининг ўзи хоҳлаган машғулот ва ихтисос турини тенг ва эркин асосда танлаб олиш таъминланади. Моддий ишлаб чиқаришга сарфланадиган вақт қисқариб борган сари ишлаб чиқариш, фан, техника, адабиёт ва санъат соҳасида қобилият, истеъдод, талантнинг ривожланиш имкониятлари кенгаяди. Кишилар бўш вақтларини ижтимоий фаолиятга, маданий алоқага, ақлий ва жисмоний жиҳатдан ўсишга, илмий техника ва бадиий ижодиётга кўпроқ бағишлайдиган бўладилар. Физкультура ва спорт кишиларнинг кундалик ҳаётига мустаҳкам сингади.

(ДАВОМИ УЧИНЧИ БЕТДА)

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

(БОШИ БИРИНЧИ ВА ИККИНЧИ БЕТЛАРДА)

е) Кишилар онгидаги ва хулқ-атворидаги капитализм сарқитларини йўқотиш. Партия буржуа идеологияси ва ахлоқининг кўринишларига, хусусий мулкчилик психологиясининг қолдиқларига, бидъат ва хурофотларга қарши курашни коммунистик тарбия соҳасидаги ишнинг таркибий қисми деб ҳисоблайди.

Ўтмиш сарқитларига, индивидуализм ва худбинлик кўринишларига қарши курашда жамоатчилик, жамоат фикрининг таъсири, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш катта роль ўйнайди. Жамиятга қарши қилинган ҳаракатларни ўртоқларча қоралаш буржуа қарашлар, ахлоқ ва урф-одатларнинг кўринишларини таг-туги билан йўқотишнинг тобора асосий воситаси бўлиб қолади. Ижтимоий ва шахсий ҳаётда, ижтимоий бурчни бажаришда яхши ўрнак кўрсатиш жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлади.

Партия кишиларни илмий материалистик дунёқараш руҳида тарбиялаш учун, диний хурофотларни йўқотиш учун ғоявий таъсир воситаларидан фойдаланади. Бунда диндорларнинг туйғуларини ҳақорат қилишга йўл қўймайди. Системали равишда кенг илмий-атеистик пропаганда олиб бориш, ўтмишда кишилар табиатнинг стихияли кучлари ва социал зулм остида эзилганликлари, табиий ва ижтимоий ҳодисаларнинг ҳақиқий сабабларини билмаганликлари орқасида вужудга келган диний эътиқодларнинг асоссизлигини қунт билан тушунтириб бориш зарур. Бунда дунёнинг манзарасини тобора тўлароқ очиб бераётган, инсоннинг табиат устидан ҳукмронлигини кучайтираётган ва диннинг муъжизавий кучлар тўғрисидаги афсоналарига ўрин қолдирмайдиган ҳозирги замон фанининг ютуқларига суяниш лозим.

ж) **Буржуа идеологиясини фош қилиш.** Социал тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши идеология курашининг бўшаштирилувини билдирмайди. Коммунистик партия **капитализмнинг халққа қарши, реакцион моҳиятини** ва капиталистик тузумни бўяб кўрсатиш йўлидаги ҳар қандай уринишларни бундан буён ҳам фош қилаверади.

Партия **умри тугаб бораётган капиталистик системадан социализм ва коммунизмнинг ғоят катта афзалликларини систематик суратда пропаганда** қилади.

Партия реакцион буржуа идеологиясига коммунизмнинг илмий идеологиясини қарши қўяди. Ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг туб манфаатларини ифода қилувчи бу идеология уларни умумий бахт-саодат йўлида курашиш, ишлаш ва яшашга ўргатади. Коммунистик идеология — энг инсонпарвар идеологиядир. Коммунистик идеологиянинг идеаллари кишилар ўртасида, халқлар ўртасида чинакам инсоний муносабатлар ўрнатишдан, инсониятни қирғин урушлар хавфидан халос қилишдан, ер юзида ҳамма кишилар учун умумий тинчлик ва эркин қувноқ ҳаёт ўрнатишдан иборат.

2. Халқ маорифи соҳасида

Коммунизмга ўтиш ҳам жисмоний, ҳам ақлий меҳнатга, ижтимоий ва давлат ҳаётининг турли соҳаларида, фан ва маданият соҳасида актив фаолиятга лаёқатли бўлган коммунистик онгли ва юқори маълумотли кишиларни тарбиялаш ва тайёрлашни тақозо қилади.

Халқ маорифи системаси шундай қуриладики, бунда ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш турмуш билан, унумли меҳнат билан мустаҳкам боғланади, катта ёшдаги аҳоли ишлаб чиқариш соҳасидаги ишни шахсий истеъдоди ва жамият эҳтиёжларига мувофиқ ўқиш ва билим олишни давом эттириш билан қўшиб олиб бораётган бўлади. Шундай принципларга асосланган халқ маорифи коммунистик жамият аъзоларининг ҳар томонлама ўсиб вояга етишига, энг муҳим социал проблемалардан биринг ҳал этилишига — ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги муҳим тафовутларнинг бартараф қилинишига ёрдам беради.

Маориф ва тарбия соҳасидаги асосий вазифалар қуйидагилардан иборатдир:

а) Умумий мажбурий ўрта таълимни амалга ошириш. Якин ўн йил мобайнида мактаб ёшидаги ҳамма болалар учун ўн бир йиллик умумий мажбурий ўрта ва политехника таълими амалга оширилади ва ёшларнинг халқ хўжалигида машғул бўлган ва тегишли маълумотга эга бўлмаган қисми учун 8 синф ҳажмида таълим амалга оширилади, ундан кейинги ўн йилликда — ҳамманинг тўла ўрта маълумот олиши учун имконият туғдирилади. Умумий ўрта таълим умумий ва политехника таълимини кенгайтириш, профессионал тайёргарликни мактаб ўқувчиларининг бажариши мумкин бўлган ижтимоий фойдали меҳнат билан бирга қўшиб олиб бориш, ҳамма типдаги умумий таълим мактаблари тармоғини, шу жумладан ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўрта маълумот берувчи кечки мактабларни анча кенгайтириш йўли билан таъминланади.

Ўрта маълумот фан асосларини пухта билишни, коммунистик дунёқараш принципларини ўзлаштиришни, фан ва техниканинг ўсиб бораётган тараққиёт даражасига мувофиқ, жамиятнинг эҳтиёжларини, ўқувчиларнинг қобилият ва истакларини, шунингдек соғлом ёш авлоднинг маънавий, эстетик ва жисмоний тарбиясини ҳисобга олган ҳолда меҳнат ва политехника жиҳатидан тайёргарликни таъминлаши лозим.

Фан ва техника барқ уриб ривожланиши муносабати билан профессионал-техника таълими ва ишлаб чиқариш таълими системасини муттасил такомиллаштириб бориш лозим, токи ишлаб чиқаришда ишловчиларнинг маҳорати уларнинг ижтимоий ва табиий фан соҳаларидаги умумий тайёргарлигини ошириш ва инженер-техник, агрономия, медицина билимлари ёки бошқа махсус билимлар олиши билан бирга қўшиб олиб борилсин.

б) Мактабгача ёшдаги ва мактаб ёшидаги болаларни ижтимоий тарбиялаш. Коммунистик халқ маорифи системаси болаларни ижтимоий тарбиялашга асосланади. Оиланинг болаларга тарбиявий таъсири уларнинг ижтимоий тарбияси билан тобора узвий равишда қўшиб олиб борилиши лозим.

Турли типдаги мактабгача тарбия муассасалари ва мактаб-интернатлар шохобчаларининг ривожлантирилиши мактаб ёшигача бўлган ва мактаб ёшида бўлган болаларни ота-оналарининг истаги билан ижтимоий тарбиялаш ишида меҳнаткашлар эҳтиёжининг тўла қондирилишини таъминлайди. Ёш авлодни ижтимоий тарбиялашда мактабнинг роли ошади, мактаб болаларда меҳнатга, билимларга муҳаббат ҳисларини сингдириши, ёш авлодни коммунистик онглилик ва коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялаши лозим. Бу ишларнинг ҳаммасида халқ ўқитувчиси, шунингдек комсомол ва пионер ташкилотлари юксак фахрли ва масъулиятли роль ўйнаши лозим.

в) Ёш авлодга таълим ва тарбия бериш юксак даражада бўлишини таъминловчи шароитларни яратиш. Партия мактаблар, маданий-оқартув муассасалари қуришнинг кенг программасини, тарбиялаш ва ўқитишнинг эҳтиёжларига тўла жавоб берувчи кенг программани амалга оширишни мўлжаллайди. Барча мактаблар яхши биноларга эга бўладилар ва бир сменали машғулотларга ўтадилар. Барча мактаблар ҳузурида ўқув устахоналари, химия-физика кабинетлари ва бошқа кабинет ҳамда лабораториялар ташкил қилинади, қишлоқ жойларида эса мактаб ҳузурида қишлоқ хўжалик участкалари ҳам вужудга келтирилади; йирик корхоналарда мактаб ўқувчилари учун ўқув-ишлаб чиқариш цехлари ташкил қилинади. Мактабларда энг янги техника воситалари — кино, радио, телевидение кенг қўлланилади.

Жисмоний ва эстетик тарбиялаш мақсадида барча мактабларда ва мактабдан ташқари муассасаларда гимнастика заллари, спорт шаҳарчалари ускуналанади, болаларнинг бадиий ижоди учун, музика, рассомлик, ҳайкалтарошлик билан шуғулланишлари учун шароит яратилади. Шаҳар ва қишлоқларда болалар стадионлари, спорт мактаблари, туристик лагерлар, лижа базалари, сув станциялари, ҳавзалари ва бошқа спорт иншоотлари қўпайтирилади.

г) Олий ва ўрта махсус таълим. Фан ва техника ривожланиб борган сари кенг назарий ва сиёсий савияли, юқори малакали мутахассислар тайёрлаши лозим бўлган олий ва ўрта махсус таълим янада ривожлантирилади.

Иш кунининг қисқартирилиши ва бутун аҳоли турмуш даражасининг анча ошиши натижасида ўқишни хоҳлаган барча кишиларнинг олий ёки ўрта махсус билим олишлари учун шароит яратилади. Мамлакатнинг барча районларида корхоналар, касаба союзлари ва бошқа жамоат ташкилотларининг ёрдамида олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, айниқса кечки ва сиртқи ўқув юртлари, шунингдек завод олий техника ўқув юртлари, қишлоқ хўжалик институтлари (йирик совхозлар базасида) студиялар, консерваториялар ва шу кабилар тармоғи кенгайтирилиши лозим. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқувчилар контингенти йил сайин анча кўпайтирилиши керак. Ўн миллионларча кишилар махсус маълумот оладилар.

3. Фан соҳасида

Социалистик хўжалик системаси шароитида фан ва техниканинг тараққиёти табиат бойликлари ва кучларидан халқ манфаатлари йўлида энг самарали фойдаланишга, энергиянинг янги хилларини очишга ва янги материаллар яратишга, иқлим шароитларига таъсир кўрсатиш методларини ишлаб чиқишга, космик фазони ўрганишга имкон беради. Фаннинг қўлланилиши жамият ишлаб чиқарувчи кучларининг қудратли суратда ўсишининг ҳал қилувчи факторига айланади. Партия фаннинг ривожланиши ва фан ютуқларининг халқ хўжалигига жорий қилиниши тўғрисида бундан буён ҳам алоҳида ғамхўрлик қилиб боради.

Энг муҳим вазифалар қуйидагилардан иборатдир:

а) Назарий тадқиқотларни ривожлантириш. Фан ва техника тараққиётининг бундан кейинги истиқболлари ҳозирги даврда, аввало, **табиёт фанининг етакчи тармоқларининг** ютуқлари билан белгиланади. **Математика, физика, химия, биологиянинг** юксак даражада ривожланиши — техника, медицина, қишлоқ хўжалик фанлари ва бошқа фанларнинг юксалиши ва самарали бўлишининг зарур шартидир.

Назарий тадқиқотлар ғоят кенг ривожланади, биринчи навбатда техника тараққиётининг бутун мамлакатни электрлаштириш, ишлаб чиқаришни, транспорт ва алоқани комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, халқ хўжалигининг энг муҳим тармоқларини химиялаштириш, атом энергиясини ишлаб чиқаришда қўлланиш каби белгиловчи соҳаларида ғоят кенг ривожланади. Бунга қуйидагилар киради:

— мамлакатнинг энергетика ва ёқилғи балансини ўрганиш, энергиянинг табиий манбаларидан энг яхши фойдаланиш йўлларини ахтариб топиш, ядро энергетика системасининг илмий асосларини ишлаб чиқиш, тепловой, ядро, қуёш ва химик энергияни бевосита электр энергиясига айлантириш усулларини очиш, термоядро реакцияларини бошқариш проблемаларини ҳал этиш;

— янги машиналарни, автоматика ва телемеханика системаларини яратишнинг назарияси ва принципларини ишлаб чиқиш, радио электроникани интенсив ривожлантириш, ҳисобловчи, бошқарувчи ва информацион машиналарнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш ва уларни техника жиҳатидан такомиллаштириш;

— химик процессларни тадқиқ қилиш, янги, энг мукаммал технология методларини ишлаб чиқиш, халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун машинасозлик, қурилиш, рўзғор буюмлари, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш учун, шунингдек медицинада ва қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган янги препаратлар яратиш учун юқори сифатли ва арзон сунъий ва синтетик материаллар яратиш;

— фойдали қазилма бойликларини қидириш ва табиат бойликларидан комплекс фойдаланишнинг мавжуд методларини такомиллаштириш ва янги, энг самарали методларини топиш.

Медицина проблемаларини муваффақиятли ҳал этиш, қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш эҳтиёжлари муносабати билан биологик фанларнинг бутун комплексини ривожлантиришда олға томон катта қадам ташланади. Инсониятнинг манфаатлари турмуш ҳодисаларининг моҳиятини тушунтириб бериш, органик дунё тараққиётининг биологик қонуниятларини очиб бериш, жонли организмнинг физикасини, химиясини ўрганиш, турмуш процессларини, жумладан моддалар алмашувини ва организмларнинг ирсиятини ва йўналтириб ўзгартишларни бошқаришнинг турли усулларини ишлаб чиқиш вазифаларини бу фанлар олдига асосий вазифа қилиб қўяди. Биология фанида Мичурин йўлини янада кенг ва чуқур ривожлантириш лозим, биология фанидаги бу йўл ҳаёт шароитлари органик дунёнинг тараққиётида етакчидир деган фикрга асосланади. Медицина фани ўз куч-эътиборини рак, вирус, юрак-қон томирлари касалликларининг ва кишилар ҳаёти учун хавфли бўлган бошқа касалликларнинг олдини олиб қоладиган ва уларга барҳам берадиган воситаларни топишга қаратиши керак. Микроорганизмларни ўрганиш ва улардан халқ хўжалигида ва соғлиқни сақлашда, шу жумладан озиқ-овқат ва ем-хашак бўладиган нарсалар, витаминлар, антибиотиклар, ферментлар ишлаб чиқишда, агротехниканинг янги усулларини ахтариб топишда кенг фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Одамнинг космосга чиқишига имкон берган Ернинг сунъий йўлдошлари ва космик ракеталар, табиатнинг янги ҳодисалари ва қонунларини очишда, планеталар ва Қуёшни тадқиқ қилишда катта имкониятлар яратди.

Фан барқ уриб ривожланаётган асрда бирдан-бир илмий билиш методи бўлган диалектик материализм асосида ҳозирги замон табиат фанининг философик проблемаларини ишлаб чиқиш янада катта актуал аҳамиятга эга бўлмоқда.

Жамият тараққиётига раҳбарликнинг илмий асоси бўлган **ижтимоий фанлар** соҳасидаги тадқиқот ишларини интенсив равишда ривожлантириб бориш керак. Коммунистик қурилиш практикасини ўрганиш ва назарий жиҳатдан умумлаштириш, социализмнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиётининг ҳамда унинг коммунизмга ўсиб ўтишининг асосий қонуниятларини тадқиқ этиш, коммунистик тарбия проблемаларини ишлаб чиқиш ижтимоий фанлар соҳасидаги энг муҳим вазифадир.

Иқтисодий фаннинг вазифаси жамиятнинг иқтисодий ҳаётидаги янги ҳодисаларни умумлаштириб беришдан, халқ хўжалик проблемаларини ишлаб чиқишдан иборат. Бу проблемаларнинг ҳал этилиши коммунизмни муваффақиятли қуришга ёрдам қилади. Экономистларнинг диққат эътибори моддий ва меҳнат ресурсларидан халқ хўжалигида энг самарали фойдаланиш йўлларини, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини планлаштириш ва ташкил қилишнинг энг яхши методларини ахтариб топишга, ишлаб чиқарувчи кучларни рационал жойлаштириш принципларини ҳамда коммунизм қурилишининг техника-иқтисодий проблемаларини ишлаб чиқишга қаратилиши лозим.

Жаҳон тарихи ва ҳозирги замон жаҳон тараққиёти проблемаларини ўрганиш инсониятнинг коммунизм томон ҳаракат қилишидан, кучлар нисбатининг социализм фойдасига ўзгаришидан, капитализм умумий кризисининг кескинлашувидан, империализм мустамлака системасининг ҳалокатидан ва унинг оқибталаридан, халқларнинг миллий-озодлик ҳаракатининг юксалишидан иборат қонуний процессни очиб бериши лозим.

Коммунистик партия ва совет халқининг турмуш синовидан ўтган голиб тарихий тажрибасини жаҳон социализм системасининг, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг тараққиёт қонуниятларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Табиат, жамият ва кишилик тафаккури тараққиётининг энг умумий қонунлари тўғрисидаги фан бўлган диалектик ва тарихий материализмни бундан буён ҳам қатъиқ туриб ҳимоя қилиш ва мукаммаллаштириш зарур.

Ижтимоий фанлар бундан буён ҳам буржуа идеологиясига қарши, ўнг социалистик назария ва практикага қарши, ревизионизм ва догматизмга қарши қатъий кураш олиб бориб, марксизм-ленинизм принципларининг софлигини қаттиқ туриб ҳимоя қилиши керак.

б) Фаннинг ишлаб чиқариш билан қўшилиши. Халқнинг яратувчилик меҳнати билан, коммунистик қурилиш практикаси билан мустаҳкам алоқа — фаннинг самарали тараққий этиши учун ғаровдир.

Хўжалик ва маданий тараққиётнинг талабларига мувофиқ илмий муассасалар шохобчаларини, шу жумладан, хўжалик қурилишига раҳбарлик қилувчи марказий органлар ҳузуридаги ва халқ хўжалиги кенгашлари ҳузуридаги илмий муассасаларни, шунингдек йирик саноат корхоналари ҳузуридаги ва қишлоқ хўжалик районларидаги илмий лабораториялар ва институтларни кенгайтириб ва такомиллаштириб бориш; олий ўқув юртларида илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш; илмий муассасалар ва олий ўқув юртларини территориал жойлаштиришни яхшилаш; барча иттифоқчи республикаларда ва йирик иқтисодий районларда фаннинг янада ривожланишини таъминлаш зарур.

Илмий муассасалар халқ хўжалигини ва маданиятни ривожлантириш планларига кўра ўз ишларини тадқиқотнинг энг муҳим йўналишлари асосида қуришлари ва мувофиқлаштиришлари лозим. Илмий ишга раҳбарлик қилишда илмий жамоатчиликнинг роли ўсиб боради. Етилган проблемаларни ижодий ҳал этишга ёрдам берувчи эркин ўртоқлик муносабаралари фанни ривожлантиришнинг зарур шартидир.

Партия фаннинг моддий базасини янада мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш ҳамда энг қобилиятли ижодий кучларни илмий фаолиятга жалб этиш тадбирларини кўради.

Билимнинг энг муҳим соҳаларида қўлга киритилган олдинги позицияларни совет фани қўлида маҳкам сақлаб қолиш ва барча асосий йўналишлар бўйича **жаҳон фанида етакчи мавқени** эгаллаш — совет олимларининг шарафли ишидир.

4. Маданий қурилиш, адабиёт ва санъат соҳасида

Коммунистик жамият қуришни кенг авж олдириш давридаги маданий тараққиёт буюк маданий революциянинг якунловчи босқичи бўлади. Бу босқичда коммунизмнинг ғалаба қилиши учун зарур бўлган барча идеологик ва маданий шароитларни яратиш таъминланади.

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг юксалиши, техника тараққиёти ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, меҳнаткашларнинг ижтимоий активлигини ошириш, ўз-ўзини идора қилиш демократик асосларини ривожлантириш, турмушни коммунистик асосда қайта қуриш кўп жиҳатдан аҳолининг маданий ўсишига боғлиқдир.

Коммунизм маданияти жаҳон маданияти яратган ҳамма яхши нарсаларни ўзига танлаб олиб ва ривожлантириб, инсониятнинг маданий тараққиётида янги олий босқич бўлади. Коммунизм маданияти жамият маънавий ҳаётининг барча ранг-баранг томонларини ва бойликларини, янги дунёнинг юксак ғоявийлиги ва гуманизмини ўзида гавдалантиради. Бу синфсиз жамият маданияти, умумхалқ, умуминсоний маданияти бўлади.

а) Жамиятнинг маданий турмушини ҳар томонлама ривожлантириш.

Коммунизмга ўтиш шароитида маданиятнинг ҳамма соҳаларидаги ижодий фаолият айниқса самарали бўлади ва жамиятнинг барча аъзолари бундан баҳраманд бўлади. Совет адабиёти, музикаси, рассомлик санъати, кинематографияси, театри, телевидениеси, санъатнинг барча турлари ғоявий мазмунни ва бадиий маҳоратни ривожлантиришда янги чўққиларга кўтарилади. Халқ театрлари, оммавий ҳаваскорлик, техника ихтирочилиги ва халқ ижодининг бошқа формалари кенг ёйилади. Омманинг бадиий-ижодий фаолиятининг юксалиши янги талантли ёзувчилар, рассомлар, музикачилар, артистларнинг етишиб чиқишига ёрдам беради. Жамиятнинг бадиий хазасини ривожлантириш ва бойитишга оммавий-бадиий ҳаваскорлик билан профессионал санъатни бирга қўшиш асосида эришилади.

Партия адабиёт, санъат, маданиятнинг равнақ топиши тўғрисида, ҳар бир одамнинг шахсий қобилиятларини энг тўла рўёбга чиқариш учун ҳамма шароитларни яратиш тўғрисида, барча меҳнаткашларни эстетик тарбиялаш тўғрисида, халқда юксак бадиий дидинг ва маданий малаканинг шаклланиши тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилади. Бадиий асос меҳнатни янада завқли қилади, турмушни безайди ва одамни олийжаноб қилади.

Маданиятнинг моддий базаси янада кучли суратда юксалиши учун:

— китоб нашр этиш ишлари ва матбуот ҳар томонлама ривожлантирилади ва шунга мувофиқ полиграфия саноати ва қоғоз ишлаб чиқариш ҳам кенгайтирилади;

— кутубхоналар, лекция заллари, қироатхоналар, театрлар, маданият уйлари, клублар, кино-театрлар кўпайтирилади;

— мамлакатни радиолаштириш, барча саноат ва қишлоқ хўжалик районларини ўз ичига олувчи телевизион марказлар қуриш тугалланади;

— халқ университетлари, театр коллективлари ва бошқа маданий ҳаваскорлик ташкилотлари кенг ривожлантирилади;

— ҳамманинг фойдаланиши мумкин бўлган илмий ва техника лабораториялари, ҳаваси ва қобилияти бўлган ҳамма кишиларнинг ишлаши учун бадиий устахоналар ва киностудияларнинг кенг шохобчалари вужудга келтирилади.

Партия маданий муассасаларни мамлакат территориясида бир текисда жойлаштириш зарур деб ҳисоблайди, бундан мақсад — қишлоқ маданияти даражасини астасекин шаҳар маданияти даражасигача кўтариш, янги ўзлаштирилаётган районларда маданий ҳаётнинг тез ривожланишини таъминлашдир.

б) Адабиёт ва санъатнинг тарбиявий ролини ошириш.

Оптимизм ва ҳаётбахш коммунистик идеялар билан суғорилган совет адабиёти ва санъати катта ғоявий-тарбиявий роль ўйнамоқда, совет кишисида янги дунё қурувчисига хос хислатларни ривожлантирмоқда. Совет адабиёти ва санъати миллионларча кишилар учун шодлик ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилиши, уларнинг ғоявий-ахлоқий ҳаёти ва фикрларини ифодалаши, уларнинг ғоявий бойиши ва маънавий тарбияси учун восита бўлиб хизмат қилиши лозим.

Адабиёт ва санъатни ривожлантиришдаги бош йўл — халқ турмуши билан алоқани мустаҳкамлашдан, социалистик воқеликнинг бойликлари ва ранг-баранг томонларини ҳаққоний ва юксак бадиийлик билан акс эттиришдан, янги, чинакам коммунистик воқеликни илҳом билан ва яққол гавдалантиришдан ҳамда жамиятнинг олға ҳаракат қилишига тўсқинлик қилувчи ҳамма нарсани фош этиб боришдан иборат.

Халқчиллик ва партиявийлик принципларига асосланган социалистик реализм санъатида турмушни бадиий ифодалашдаги дадил новаторлик жаҳон маданиятининг барча прогрессив традицияларидан фойдаланиш ва уларни ривожлантириш билан бирга қўшилади. Ёзувчилар, рассомлар, музикачилар, театр ва кино арбоблари олдида шахсий бадиий ташаббусни, юксак маҳоратни, ранг-баранг ижодий формаларни, стилларни ва жанрларни намоён қилиш учун кенг имконият очилади.

Коммунистик партия адабиёт ва санъат ходимларининг жамоат ташкилотлари ва ижодий союзлари фаолиятига ёрдам бериб, адабиёт ва санъатнинг тўғри йўлдан ривожланиб бориши, уларнинг ғоявий ва бадиий даражасини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилади.

в) Халқаро маданий алоқаларни ривожлантириш.

Партия фан ва маданият ютуқларини ўзаро ўртоқлашиш, халқларнинг бир-бирини тушуниши ва дўстлиги манфаатларини кўзлаб, СССРнинг социалистик система мамлакатлари билан, шунингдек бошқа мамлакатлар билан маданий алоқаларини кенгайтиришни зарур деб ҳисоблайди.

VI. СССРДА КОММУНИЗМ ҚУРИЛИШИ ВА СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАР ҲАМКОРЛИГИ

КПСС Совет Иттифоқида коммунизм қурилишини бутун жаҳон социалистик системаси халқлари томонидан коммунистик жамият қурилишинг таркибий қисми деб билади.

Айрим мамлакатларда социалистик революцияларнинг турли вақтларда бўлганлиги ҳамда уларда иқтисодий ва маданий тараққиётнинг турли даражада эканлиги социализм қуришни тугаллашнинг ва бу мамлакатларнинг коммунизм қурилишини кенг авж олдириш даврига киришишнинг турли вақтда бўлишини тақозо қилади. Бироқ социалистик давлатларнинг ягона жаҳон социализм системаси составида ривожланиши, бу системанинг қонуниятлари ва афзалликларидан фойдаланиш уларга **социализм қуриш муддатларини қисқартириш имконини беради, уларга озмингўпми бир вақтда, бир тарихий давр мобайнида коммунизмга ўтиш истиқболини очиб беради.**

Биринчи бўлиб коммунизмга бораётган мамлакат бутун жаҳон социалистик системасининг коммунизм томон ҳаракатини осонлаштиради ва тезлаштиради. Совет Иттифоқи халқлари коммунизм қурар эканлар, бутун инсоният учун ҳали синалмаган йўллар очиб, бу йўлларнинг тўғрилигини ўз тажрибаларида синовдан ўтказмоқдалар, кийинчиликларни аниқламоқдалар, уларни енгиш воситаларини топмоқдалар, коммунистик қурилишнинг энг яхши форма ва методларини танлаб олмоқдалар.

Ижтимоий кучлар — ишчилар синфи, кооперативлашган деҳқонлар, халқ интеллигенцияси — ва ижтимоий хўжалик формалари (социалистик мулкнинг икки формасига асосланган корхоналар) Совет Иттифоқида ва бошқа социалистик мамлакатларда бир хил типда бўлганлиги сабабли СССРда ва бу мамлакатларда коммунизм қурилишининг асосий қонуниятлари ҳам, ҳар бир мамлакатнинг тарихий ва миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, умумий бўлади.

СССРда коммунизм қурилиши ҳар бир социалистик ҳамдўстлик мамлакатининг манфаатларига жавоб беради, чунки у жаҳон социалистик лагерининг иқтисодий қудрати ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлайди, СССРнинг бошқа социалистик мамлакатлар билан иқтисодий ва маданий ҳамкорлигини чуқурлаштириш учун, бу мамлакатларга кўрсатилаётган ёрдам ва кўмакни кенгайтириш учун тобора қулай имкониятлар вужудга келтиради.

КПСС шунга асосланадики, социалистик мамлакатлар ўртасидаги мавжуд иқтисодий муносабат формалари — ташқи савдо алоқалари, халқ хўжалик планларини мувофиқлаштириш, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш — тобора ривожлана ва такомиллаша боради.

Социалистик тузум мамлакатлар ўртасида капитализмдан мерос қолган иқтисодий ва маданий тафовутни тугатиш учун, капитализм даврида иқтисодий жиҳатдан орқада қолган давлатларни янада тезроқ ривожлантириш ва мазкур давлатларнинг экономикаси ва маданиятини тўхтовсиз юксалтириш учун, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг умумий тараққиёт даражасини баробарлаштириш учун шароит яратади. Бу социализм иқтисодий системасининг афзалликлари билан, иқтисодий муносабатларда тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ёрдам ва тажрибани ўртоқлашиш, жумладан, илмий-техника ютуқларини ўзаро айирбошлаш, илмий тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш, саноат объектларини биргаликда қуриш, табиий ресурсларни ишга солишда ҳамкорлик қилиш йўли билан таъминланади. Ҳар томонлама қардошларча ҳамкорликдан ҳар бир социалистик мамлакат, умуман жаҳон социализм системаси манфаат кўради.

Социализм ва коммунизм қуриш манфаатлари ҳар бир социалистик мамлакатдан ўз миллий хўжалигини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўлидаги куч-ғайратни бутун социалистик ҳамдўстлик доирасидаги иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш йўлидаги куч-ғайрат билан қўшишни талаб қилади. Социалистик мамлакатлар экономикасини юксалтириш ва унинг умумий даражасини бараварлаштиришга, аввало, ҳар бир мамлакатнинг ўз ички ресурсларидан тўла фойдаланиши йўли билан, халқ ҳаракат қилишнинг илмий жиҳатдан асосланган йўлларини очиб беради, оммада буюк ғайрат қўзғатади, оммани улуғвор вазифаларни ҳал қилишга бошлаб боради.

Коммунизм қурилиши авж олдирилган давр совет жамиятининг раҳбар ва етакчи кучи бўлган **Коммунистик партиянинг роли ва аҳамиятининг янада ўсиши билан характерланади.**

(ОХИРИ ТЎРТИНЧИ БЕТДА).

VII. ПАРТИЯ КОММУНИЗМ ҚУРИЛИШИ КЕНГ АВЖ ОЛДИРИЛГАН ДАВРДА

СССРда социализм ғалаба қозониши, совет жамияти бирлигининг мустаҳкамланиши натижасида ишчилар синфининг Коммунистик партияси совет халқининг авангардига айланди, бутун халқ партияси бўлиб қолди, ижтимоий ҳаётнинг барча томонларига ўзининг йўл кўрсатувчи таъсирини кенгайтирди. Партия — давримизнинг, буюк революцион ўзгаришларни амалга ошираётган совет халқининг ақл-идроки, шон-шарафи ва виждонидир. Партия келажакка сезгирлик билан қарайди, халққа олға

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

(БОШИ 1, 2 ва 3- БЕТЛАРДА).

Коммунистик жамият ўтмишдаги барча социал-иқтисодий формациялардан фарқли ўлароқ, стихияли равишда эмас, балки марксчи-ленинчи партия раҳбарлик қилаётган халқ оммасининг онгли ва мақсадга қаратилган фаолияти натижасида таркиб топади. Ишчилар синфининг, бутун меҳнаткашларнинг энг илғор вакилларини ўз сафларида бирлаштирадиган, омма билан маҳкам боғланган, халқ орасида чексиз иззат-обрўга эга бўлган, жамият тараққиёти қонунларини билиб олган Коммунистик партия коммунизм қуриш соҳасидаги барча ишларга тўғри раҳбарликни таъминламоқда, бу ишларга ташкилий, планли, илмий жиҳатдан асосланган характер бермоқда.

Совет жамияти ҳаётининг янги тараққиёт босқичида партия ролининг ошуви:

— сиёсий ва ташкилий раҳбарликнинг янада юқорироқ даражада бўлишини талаб қилувчи коммунистик қурилиш вазифалари миқёсининг ўсиши ва мураккаблиги билан;

— оммаонинг ижодий активлиги ўсиши, янгидан-янги миллион-миллион меҳнаткашларнинг давлат ишларини ва ишлаб чиқаришни бошқаришга жалб этилиши билан;

— социалистик демократиянинг янада ривожланиши, жамоат ташкилотлари ролининг ошиши, иттифоқчи республикалар ва маҳаллий ташкилотлар ҳуқуқларининг кенгайиши билан;

— илмий коммунизм назариясининг, уни ижодий ривожлантириш ва пропаганда қилиш аҳамиятининг тобора ўсиб бориши, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашни кучайтириш ва кишилар онгидаги ўтмиш сарқитларини йўқотиш учун курашни кучайтириш зарурлиги билан белгиланади.

Коммунизм қурилиши кенг авж олган даврга партиянинг ўзининг ривожланишидаги, унинг сиёсий, идеологик ва ташкилий ишларининг ривожланишидаги янги, янада юқорироқ босқич мос келади. Партия оммага, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишга, жамиятнинг маънавий ҳаётини ривожлантиришга ўзининг раҳбарлик қилиш даражаси коммунизм қуриш даврининг ўсиб борувчи талабларига жавоб бериши учун ўз фаолиятининг формалари ва методларини узлуксиз такомиллаштириб боради.

Партия коммунистик жамият кураётган халқнинг илғор отряди сифатида, ўз ички партиявий турмушини ташкил қилишда ҳам олдинда бормоғи, коммунистик ижтимоий ўз-ўзини идора қилишнинг энг мукаммал формаларини ишлаб чиқишда намуна ва ўрнак кўрсатмоғи лозим.

Партия турмушининг қонуни — партия турмушининг ленинча нормаларига ҳамда коллектив раҳбарлик принципига сўзсиз риоя қилиш, партия органлари ва уларнинг ходимларининг партия оммаси олдидаги масъулиятини ошириш, барча коммунистларнинг активлиги ва ташаббусини ошириши, уларнинг партия сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этишини таъминлаш, танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтиришдир. Бу — партиянинг ўзининг ғоявий ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлигининг, партия сафлари бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлашнинг, партия ички демократиясини ҳар томонлама ривожлантириш ва шу асосда барча партиявий кучларни активлаштириш, омма билан алоқани мустаҳкамлашнинг зарур шартидир.

Партия турмушининг ленинча принциплари шахсга сиғиниши билан ва у билан боғлиқ бўлган коллектив раҳбарликни бузиш, партия ички демократиясини ва социалистик қонунчиликни бузиш билан сиғиша олмайди. Шахсга сиғиниш партия ролининг ва халқ оммаси ролининг камситилишига олиб боради, партия ғоявий турмушининг ҳамда меҳнаткашлар ижодий активлигининг ривожланишини бўғиб қўяди.

Ленинча коллектив раҳбарлик принципини изчил амалга ошириш, раҳбар партия органларига янги, соғлом партия кучларининг кўплаб келишини таъминлаш, кекса ва ёш кадрларни бирга тўғри мослаб ишлатиш мақсадида, шунингдек айрим ходимлар, қўлида ҳокимиятнинг ҳаддан ташқари тўпланиши имконнятига йўл қўймаслик ва уларнинг коллектив контроли остидан чиқиб қолиш ҳолларининг олдини олиш учун партия қуйидаги тадбирларни амалга оширишни зарур деб ҳисоблайди:

а) Партиянинг сайлаб қўйиладиган барча органлари составини — бошланғич партия ташкилотларидан тортиб Марказий Комитетгача барча органлари составини муайян пропорцияларда системали суратда янгилаб туриш практикаси жорий қилинсин, бунда раҳбарликнинг давомийлик бўлиши таъминлансин.

Навбатдаги ҳар бир сайловда КПСС Марказий Комитети ва унинг Президиуми составининг камида тўртдан бир қисми янгиланади. Президиум аъзолари, қоида тариқасида кўпи билан қаторасига уч чақирик давомида сайланаоладилар. Партиянинг у ёки бу арбоблари, обрўэътибор қозонганликлари, юксак сиёсий, ташкилотчилик ва бошқа фазилатларга эга бўлганликлари сабабли, раҳбарлик органларига қаторасига бундан ҳам узоқроқ муддатга сайланишлари мумкин. Бундай ҳолда тегишли номзад ёпиқ (яширин) овоз бериш вақтида овозларнинг камида тўртдан уч қисми берилган тақдирдагина сайланган ҳисобланади.

Иттифоқчи республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область комитетлари составининг навбатдаги ҳар бир сайловда камида учдан бир қисми янгиланади, округ, шаҳар ва район партия комитетлари составининг, бошланғич партия ташкилотлари партия комитетлари ёки бюроси составининг камида ярми янгиланади. Шу билан бирга мазкур раҳбар партия органларининг аъзолари узоғи билан кўп деганда қаторасига уч муддатга сайланишлари мумкин. Бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари кўпи билан икки муддатга қаторасига сайлана олади.

Партия ташкилоти ичидаги ходимлар, ишчанлик сифатига қараб, раҳбар органлар составига узоқроқ муддатга ҳам сайлаши мумкин. Бундай ҳолда сайланиш учун овоз беришда қатнашган коммунистлар овозининг камида тўртдан уч қисмини олиш талаб қилинади.

Раҳбар партия органининг составидан бу составда бўлиш муддати тугаганлиги сабабли чиқиб қолган партия аъзолари кейинги сайловларда яна сайланишлари мумкин.

Белгиланснки, КПСС Марказий Комитети составидан ва бошқа раҳбар органлар составидан чиқариш тўғрисидаги қарор фақат ёпиқ (яширин) овоз бериш йўли билан, шу орган ҳамма аъзолари составининг камида учдан икки қисми бу қарорга овоз берган тақдирдагина қабул қилиниши мумкин.

б) Партия ташкилотларида пастдан юқоригача, шу жумладан алоҳида шароитда ишловчи партия ташкилотларида (армия, флот) сайлаб қўйилиш ва ҳисоб бериш принципини қўлланиш кенгайтирилсин.

в) Партия мажлислари, конференциялари, съездларининг, партия комитетлари пленумларининг ва бошқа коллектив органларнинг роли оширилсин. Партияда унинг снёсати ва амалий фаолиятига оид масалаларни эркин ва амалий муҳокама қилиш учун, мунозарали ёки етарли аниқ бўлмаган масалалар юзасидан ўртоқлик дискуссиялари ўтказиш учун қулай шароит таъминлансин.

г) Маош тўланадиган партия аппарати муттасил қисқартиб борилсин, коммунистлар штатсиз ходимлар сифатида жамоат иши тартибида кенгроқ жалб этилсин.

д) Синалган иш методи бўлган, хато ва камчиликларни аниқлаш ва тузатиш, кадрларни тўғри тарбиялаш йўли бўлган танқид ва ўз-ўзини танқид ҳар томонлама ривожлантирилсин.

Коммунизм қурилиши авж олдириляган даврда партия аъзосининг роли ва масъулияти яна кўпроқ ошади. Коммунист ишлаб чиқаришда, ижтимоий ва шахсий ҳаётда ўзининг бутун хулқи-атвори билан коммунистик муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун курашда юксак ўрнак кўрсатиши, коммунистик ахлоқ принципи ва нормаларига риоя қилиши лозим. КПСС энг онгли ва актив меҳнаткашлар билан ўз-ўзини танқид ва ўз-ўзини танқид деган номни соф сақлайди ва юқори тутади.

Партия ички демократиясининг ривожланиши коммунистлар активлигининг ўсишини ва олижаноб коммунистик идеалларни амалга ошириш учун коммунистлар масъулиятининг ошишини таъминлайди, уларда ҳамма соҳада партия принципларига, унинг юксак мақсадларига тўла мувофиқ суратда ҳаракат қилиш, ички, узвий эҳтиёж ҳиссини тарбиялашга ёрдам қилади.

Партия бундан бўён ҳам ўз сафларининг бирлиги ва монолитлигини мустаҳкамлаб боради, марксизм-ленинизм байроғини покиза сақлайди. Партия ўз воситалари арсеналида КПСС Уставида назарда тутилган ташкилий гарантияларни, марксча-ленинча партиявийлик билан сиғиштириб бўлмайдиган фракциячилик ва гуруҳбозликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши ташкилий гарантияларни сақлайди. **Партиянинг бузилмас ғоявий ва ташкилий жипслиги унинг енгилмаслигининг энг муҳим манбаи, коммунистик қурилишнинг улуғ вазифаларини муваффақиятли ҳал этишнинг гаровидир.**

Халқ — коммунизм қурилишининг ҳал қилувчи кучидир. **Партия халқ учун яшайди, халққа хизмат қилишни ўз фаолиятининг маъноси деб билади.** Партиянинг халқ билан алоқаларининг янада кенгайиши ва чуқурлашиши коммунизм учун курашда муваффақият қозонишнинг зарур шартидир. Партия ички ва ташқи сиёсатнинг энг муҳим масалалари юзасидан меҳнаткашлар билан доим маслаҳатлашиши, бу масалаларни умумхалқ муҳокамасига олиб чиқиши, партиясизларни ўзининг бутун ишида қатнашишга кенг жалб этиши ўз бурчи деб ҳисоблайди. Социалистик демократия қанча кўп ривожланса, партиянинг меҳнаткашлар орасида олиб борадиган ишлари шунча чуқур ва ҳар томонлама бўлади, унинг оммага таъсири шунча кучли бўлади.

Партия Советлар, касаба союзлари, комсомол ва меҳнаткашларнинг бошқа оммавий ташкилотлари фаолиятининг кенгайиши ва яхшиланишига, оммаонинг ижодий ғайрати ва ташаббусининг ривожланишига, СССРдаги барча халқларнинг бирлиги ва дўстлигининг мустаҳкамланишига бутун чоралар билан ёрдам қилади.

КПСС — халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг ажралмас таркибий қисмидир. Пролетар интернационализмининг синалган марксча-ленинча принциплари бундан буён ҳам партия оғишмай амал қилиб борадиган мустаҳкам принциплар бўлиб қолади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси бундан буён ҳам халқаро коммунистик ҳаракат бирлигини мустаҳкамлайди, барча коммунистик ва ишчи партиялар билан қардошлик алоқаларини кучайтиради, янги жаҳон урўши хавфига қарши меҳнаткашларнинг манфаатлари учун, тинчлик, демократия ва социализм учун биргаликда кураш олиб бориш мақсадида ўз ҳаракатларини жаҳон коммунистик ҳаракатининг барча отрядлари кучғайрати билан мувофиқлаштиради.

* * *

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси коммунизм қуриш юзасидан белгиланган ишлар программаси ана шундай.

СССРда коммунизм қурилиши инсоньятнинг кўп асрлар давом этган бутун тарихида унинг ғоят буюк ғалабаси бўлади. Коммунизмнинг нур сочиб турган чўққилари сари қўйилган ҳар бир янги қадам барча мамлакатлардаги меҳнаткашлар оммасини илҳомлантиради, барча халқларни социал ва миллий зулмдан озод қилиш учун курашда жуда катта маънавий мадад бўлади, марксизм-ленинизм идеяларининг бутун дунё миқёсида тантана қилишини тезлаштиради.

Совет халқи коммунизм неъматларидан фойдалана бошлаганда ер юзида яна юз миллионларча кишилар: «Биз коммунизм тарафдоримиз!», деб айтадилар. Коммунизм идеялари бошқа мамлакатларга қарши уруши йўли билан эмас, балки жамиятни мукаммал ташкил қилиш намунаси билан ишлаб чиқарувчи кучларни равнақ топтириш, инсоннинг бахт-саодати ва фаровонлиги учун барча шароитларни яратиш билан халқ оммасининг ўй-фикри ва қалбига жо бўлади.

Ижтимоий тараққиёт кучлари барча мамлакатларда муқаррар суратда ўсиб боради, бу эса Совет Иттифоқидаги коммунизм қурувчиларга мадад бўлади.

Партия: халқ — тарихни яратувчидир, коммунизм — халқ қўли билан, унинг куч-ғайрати, ақл-идроки билан қурилади, деган марксча-ленинча қоидага асосланади. Коммунизм ғалабаси кишиларга боғлиқ, коммунизм ҳам кишилар учун қурилади. Ҳар бир совет киши ўз меҳнати билан коммунизм тантанасини яқинлаштиради. Коммунистик қурилиш муваффақиятлари ҳаммага мўлкўлчилик ва кувнок ҳаёт бағишлайди. Совет Ватанинг кўч-қудратини, шон-шарафи ва шуҳратини янада юқори кўтаради.

Партиянинг ишончи комилки, совет кишилари КПССнинг янги Программасини ўзининг жонажон, энг муҳим иши деб, ўз ҳаётининг буюк мақсади ва коммунизм қуриш учун умумхалқ курашининг байроғи деб қабул қилади. Партия барча коммунистларни, бутун совет халқини — ишчиларни, колхозчиларни, ақлий меҳнат ходимларини — ўз куч-ғайратларини Программада белгиланган тарихий вазифаларни муваффақият билан бажаришга сарф қилишга чақиради.

СОВЕТ ХАЛҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯНИНГ СИНАЛГАН РАҲБАРЛИГИДА, МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ БАЙРОҒИ ОСТИДА СОЦИАЛИЗМ ҚУРДИ.

СОВЕТ ХАЛҚИ ПАРТИЯ РАҲБАРЛИГИДА, МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ БАЙРОҒИ ОСТИДА КОММУНИСТИК ЖАМИЯТ ҚУРАДИ.

ПАРТИЯ ТАНТАНАЛИ СУРАТДА ЭЛОН ҚИЛАДИКИ: СОВЕТ КИШИЛАРИНИНГ ҲОЗИРГИ АВЛОДИ КОММУНИЗМДА ЯШАЙДИ!

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАСАЛАЛАРИ ЮЗАСИДАН КЕНГАШ

КПСС Марказий Комитети Президиуми 2 ноябрда, Кремлнинг Съездлар саройида, қишлоқ хўжалиги масалалари юзасидан кенгаш чақирди. Кенгашнинг ишида КПСС XXII съездининг делегаталари — республика, ўлка, область партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари, қишлоқ район партия комитетларининг ходимлари, совхоз директорлари, колхоз раислари, агрономлар, зоотехниклар, олимлар, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши новаторлари, шунингдек КПСС Марказий Комитети аппаратининг, план ва қишлоқ хўжалик органларининг, марказий газеталар ва журналлар редакцияларининг ходимлари қатнашдилар.

Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, Ф. Р. Козлов, А. Н. Косигин, О. В. Куусинен, А. И. Микоян, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, Н. С. Хрушчев, Н. М. Шверник, В. В. Гришин, Ш. Р. Рашидов, К. Т. Мазуров, В. П. Мжаванадзе, В. В. Шчербицкий ўртоқлари кенгаш қатнашчилари самимий кутиб олдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Никита Сергеевич Хрушчев кенгашда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги конкрет вазифалар тўғрисида нутқ сўзлади.

Ўртоқ Хрушчев айтдики, Марказий Комитетнинг хисоботида, Программа проекти тўғрисидаги докладда ва съезд резолюциясида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги асосий вазифалар кўрсатиб ўтилди. Съезд қишлоқ хўжалигини ривожлантириш перспективаларини белгилаб берди, мамлакатимиз яқин йиллар ичида эришуви лозим бўлган ишлаб чиқариш даражасини белгилади.

Съезддан кейин тез орада, деди ўртоқ Хрушчев, партия Марказий Комитети ва ҳукумат қишлоқ хўжалик ходимларининг зонал кенгашларини ўтказадилар. Бу кенгашларда мамлакатнинг турли зоналаридаги колхоз ва совхозларнинг вазифалари конкрет суратда қараб чиқилади, дон, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кескин суратда кўпайтириш учун энг яқин вақт ичида амалга ошириш зарур бўлган тадбирлар муҳокама қилинади. Совет халқи қишлоқ хўжалиги соҳасида партия XXII съезди белгилаб берган тадбирларни амалга оширишнинг реал самараларини 1962 йилдаёқ сезиши лозим.

— Шу нарса биз учун муҳимки, — дейди ўртоқ Н. С. Хрушчев, — бир кунни ҳам қўлдан бой бермай, съезддан кейин дарҳол қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни ҳал этиш учун чинакам умумхалқ курашини авж олдириб юбориш керак. Шу сабабли Марказий Комитет бу кенгашни чақиришни ҳамда бир қанча масалаларни қўйиб, колхоз ва совхозларнинг, партия ва совет ташкилотларининг куч-ғайратини ана шу масалаларни ҳал этишга қаратишни зарур деб топди.

Ўртоқ Хрушчев ўз сўзида айтдики, дон ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш мақсадида ердан тўғри фойдаланиш, экин майдонларининг структурасини ўзгартириш масаласи биринчи навбатдаги ва энг муҳим масаладир. Бу соҳада ҳар бир колхоз ва совхозда катта ишлар қилиш керак. Олимлар ва мутахассислар практиклар билан биргаликда бу ишга жиддий киришишлари, ердан фойдаланишнинг ўт-далали системасини сийқалаштириш қоллариии тугатишлари жуда муҳимдир. Маълумки бундай сийқалаштириш қишлоқ хўжалигини олиб боришга кейинги вақтларгача жуда жиддий таъсир кўрсатиб келди. Экин майдонларининг структурасида хатолар ва бузишларнинг олдини олиш учун совхоз ва колхозларнинг фаолиятини ҳисобга олиш ва контроль қилиш системасини ишлаб чиқиш керак.

Тажриба-намуна совхозлари ва колхозлари қишлоқ хўжалигини юксалтиришда катта роль ўйнашлари лозим. раҳбар кадрларни ҳам, колхозчилар ва совхоз ишчилари кенг оммасини ҳам ана шу тажриба-намуна совхозлари ва колхозлари мисолида ўргатиш керак. Энг яхши колхоз ва совхозларнинг, қишлоқ хўжалик илғорларининг тажрибасини ёйиш ҳозирги вақтда ғоят катта аҳамият касб этмоқда. Маккажўхори бўйича — Гиталов, Мануковский, Лисичников, Сапунов, Перегудова ўртоқларнинг тажрибаси; нўхат бўйича — Кавун, Воловченко ўртоқларнинг тажрибаси; қанд лавлаги бўйича — ўртоқ Светличнийнинг тажрибаси; механизациялашган усулда сут соғиш бўйича — Заботинлар оиласининг тажрибасини ёйиш керак. Миллион-миллион кишиларга меҳнатнинг илғор методларини ўргатиш, уларга бу тажрибани амалда жорий қилишда ёрдам бериш муҳим вазифадир.

Ўртоқ Хрушчев совхоз директорлари, колхоз раислари, қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарларидан иборат кадрларни танлаш ва тарбиялаш масалаларига катта эътибор берди.

Н. С. Хрушчев колхоз ва совхозларни гўшт етиштиришнинг конкрет планини ишлаб чиқишга даъват этди, токи ҳар бир колхоз ва совхоз ҳайдаладиган ҳар 100 гектар ерга энг камида 75 центнер гўшт ва бошқа қишлоқ хўжалик ерларининг ҳар 100 гектарига камида 16 центнер гўшт етиштирадиган бўлсин. Бу кўрсаткич колхоз ва совхоз раҳбарларининг, шунингдек район, область, республика партия ташкилотларининг фаолиятига баҳо беришда асосий кўрсаткич бўлиши лозим. Гўшт етиштиришни тирик вазнда ҳисобга олишдан воз кечишимиз зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Ҳайдаладиган ва бошқа ерларнинг ҳар 100 гектарига етиштириладиган гўштни сўйилган вазнда ҳисобга олиш асосий ва бирдан-бир кўрсаткич бўлиши лозим.

Ўртоқ Хрушчев мамлакатнинг ҳамма зоналарида қуруқ дон учун ҳам, думбул сўтали силос учун ҳам маккажўхори етиштиришга, шунингдек қанд лавлаги, ем-хашак учун дуккакли экинлар, нўхат етиштиришга алоҳида эътибор берди.

Шунингдек, ўртоқ Хрушчев дуккакли ва донли экинлар уруғчилиги, қишлоқ хўжалигини механизациялаш, ўтит ишлаб чиқаришни кўпайтириш, қишлоқ хўжалик органларининг структурасини такомиллаштириш ва уларнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш, совхоз директорлари, колхоз раислари, агрономлар ва бошқа қишлоқ хўжалик ходимларидан иборат кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалаларига ҳам тўхталиб ўтди.

Н. С. Хрушчев ўз сўзининг охирида бундай деди:

— Партия қишлоқ хўжалиги соҳасида катта планлар белгилади. Бизда бу планларни амалга ошириш учун ҳамма имкониятлар мавжуд. Ҳозирги вақтда энг муҳим нарса — ташкилотчилик ишларидир. Қишлоқ район партия комитетларининг ролини ошириш зарур, улар қўйилган вазифаларни ҳал этишга колхозчиларни ва совхоз ишчиларини сафарбар қилувчи чинакам ташкилотчилар бўлишлари лозим. Райкомларнинг иш савиясини барча колхоз ва совхозларнинг илғор хўжаликларидаги кўрсаткичларга қайси муддатларда эришганликларига қараб белгилаш керак. Кўпгина қишлоқ хўжалик илғорлари шу ерда ўтиришибди. Қадрли ўртоқлар, партия Марказий Комитети сизлар янги катта вазифаларни ҳал этишда партиянинг актив ёрдамчилари бўласизлар, деб ишонади. Ҳозирги вақтда ғализ ўзингизнинг илғор бўлишингиз кифоя қилмайди, қўшниларга ҳам ишлаб чиқариш новаторлари билан бир сафда бўлишга ёрдам бериш керак.

Коммунистик партиянинг Программаси бажарилиши учун ҳамма ишни қилишимиз, кучларимизни аямаслигимиз лозим. Ана шунинг ўзи замонимизни, партиямизни, халқимизни, марксча-ленинча таълимотимизни шарафлайди.

1961 ЙИЛ 7 НОЯБРДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА МЕҲНАТКАШЛАР НАМОЙИШИ ТУҒРИСИДА

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 44 йиллиги байрам қилинадиган куни 1961 йил 7 ноябрда Ленин номли майдонда Тошкент шаҳар меҳнаткашларининг намойиши бўлади.

Намойиш соат 11 да бошланади.

Намойишда қатнашадиган меҳнаткашлар ўз корхона ва муассасалари бўйича йиғилиш пунктларига тўпланиб, Ленин номли майдонга уюшган ҳолда белгиланган маршрутга мувофиқ район колоннаси билан йўл оладилар.

Ленин номли майдонга таклиф билетлари бўлган кишилар соат 9 дан 45 минут ўтганга қадар қўйилади.

Ураб олинган зонада ҳамма турдаги транспортлар ва пиёдалар ҳаракати ҳамда намойишчилар колоннаси бораётган маршрутлардаги ҳаракат соат 7 да тўхатилади.

Махсус пропускалари бўлган автомашиналар Ленин номли майдонга Революция сквери томонидан Ленинград кўчаси бўйлаб соат 9 дан 45 минут ўтганга қадар қўйилади.

ОКТЯБРЬ КОМИССИЯСИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ГАРНИЗОНИ БУЙИЧА

БУЙРУҚ

1961 йил 4 ноябрь № 76 Тошкент шаҳри.

1961 ЙИЛ 7 НОЯБРЬ ПАРАДИ ТУҒРИСИДА

§ 1.

1961 йил 7 ноябрда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 44 йиллиги шарафига В. И. Ленин номли майдонда эрта билан соат 10 да Тошкент гарнизони қўшинларининг паради ўтказилади.

Парадни Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони армия-генерали **И. И. ФЕДЮНИНСКИЙ** қабул қилади.

Парадга қўмондонлик қилиш менга топширилди.

§ 2.

Қисм командирлари навбатчиларни жўнатишлари ва қўшинларни парадга белгиланган вақтда тасдиқланган тартибда олиб чиқишлари лозим.

Қўшинлар ёзги, парад кийимида чиқадилар.

§ 3.

Артиллерия салюти менинг кўрсатмам билан берилади.

§ 4.

В. И. Ленин номли майдонда парад вақтидаги тартибга раҳбарлик қилишни Тошкент шаҳар гарнизонининг коменданти подполковник **И. С. РИЖИК**ка юклайман.

Тошкент шаҳар гарнизонининг бошлиғи генерал полковник

Н. ЛЯШЧЕНКО.

СЪЕЗД ҚАРОРЛАРИ ЯНГИ ЗАФАРЛАРГА ЧОРЛАЙДИ!

Жонажон партиямиз XXII съездининг тарихий қарорларини республикамиз меҳнаткашлари мамнунлик билан қутиб олмоқдалар, уларда ўз хоҳишларининг тўла ифодасини кўриб қизғин қўллаб-қувватламоқдалар. КПСС XXII съездининг ўз ишини тамомлаганига бағишлаб корхона ва муассасаларда ўтказилаётган кўп минг кишилик митингларда нотиқлар фидокорона меҳнатлари билан коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишни тезлатишга қатъий бел боғлаганликларини билдирмоқдалар.

— Съезд қарорлари, — деди «Ташкенткабель» заводи слесарлар бригадасининг бошлиғи М. Абдураззоқов. — коммунизмга олиб борадиган йўлларни чароғон қилиб турипти, совет кишиларини буюк Ленин идеаллари йўлида меҳнат ва ижод этишга илҳомлантирмоқда.

Ишчи-хизматчилар олға томон ҳаракатимизни тўхтатишга, Сталин шахсига сиғиниш даврндаги «тартиблар»ни қайтаришга уринган фракциячиларнинг кирдикорларини ғазаб ва нафрат билан гапирмоқдалар.

— КПСС сафларининг жипслиги ва бирлиги, ленинчи Марказий Комитетнинг донишмандлиги ва принципиаллиги туфайли бир ҳовуч фракциячиларнинг партиями Ленин йўлидан тойдириш мақсадидаги уринишларига ўз вақтида зарба берилди. Биз бундан жуда мамнунмиз. Тошкентдаги биринчи пойафзал фабрикасининг техниги Маҳмуд Маъруров фабрика коллективининг фикрини ифодалаб шундай деди.

— Съезд қарорлари — бизнинг қароримиз! Биз уларни амалга оширишни учун ялада гайрат билан меҳнат қиламиз, — деди Тошкент Чинни заводининг ишчиси Раззоқ Ваҳобов.

Шу кунларда республикамизнинг қаерига борманг «Партия», «Программа», «Коммунизм» деган сўзларни эшитасиз. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съезди қарорлари халқимизнинг дилида ҳам, тилида ҳам муҳайёдир.

(«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 6 ноябрда чиқади).

ТОШКЕНТ. КПСС XXII съезди ўз ишини тугатиши муносабати билан «Таштекстильмаш» заводида ишчилар, хизматчилар ва инженер-техник ходимларнинг кўп минг кишилик митинги бўлиб ўтди.

Митингда сўзга чиққан конструктор Е. Ф. Никитченко, токарь Ю. Андрейков, қуйиш цехининг бошлиғи А. Я. Соловьев, мастер И. А. Гладков ва бошқа ўртоқлар завод коллективининг фикрини ифодалаб, жонажон партиямиз съезди қарорларини қизғин маъқулладилар. СУРАТДА: митинг пайти. Ўртоқ Юрий АНДРЕЙКОВ нутқ сўзламоқда.

Ф. Лейзерович фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри

Р. 10028 Нашр В.1721.